Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 16 январь 1971 йил, шанба ◆ № 13 (14.733). ◆ Баҳоси 2 тийин.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Калинин районидаги Ленин номли колхоз чорвадорлари давлатга планда белгиланган 280 центнер ўрнига 310 центнер гўшт топшириб, янги беш йилликнинг биринчи йилига белгиланган маррани эгалладилар. Улар КПСС XXIV съезди очиладиган кунгача тўрт ойлик сут тайёрлаш планини бажариш учун ғайрат билан меҳнат қилишмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»—«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА» ЖУРНАЛИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журналининг редакция ходимларини, авторлар активини ва журналхонларини журналнинг биринчи сони чиқа бошлаган куннинг 50 йиллиги муносабати билан қизғин қутлайди.

«Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана»—журнали ярим асрдан бери марксизм-ленинизм назариясини, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг сиёсатини актив пропаганда қилиб келмоқда. Ўзбекистонда ва бошқа қардош иттифоқчи республикаларда социалистик ва коммунистик қурилиш назарияси ва практикасига доир масалаларни ёритиш борасида катта иш олиб борди ва олиб бормоқда.

Журнал республикада хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини амалга ошириш. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг омманинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини оширишдаги фаолияти, интернационализм ғояларини пропаганда қилиш, социалистик демократияни янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бир қанча муҳим назарий ва амалий проблемаларни ишлаб чиқишга каттагина ҳисса қўшди.

Журнал саҳифаларида халқ хўжалигидаги фан-техника тараққиёти масалалари кўзга кўринарли ўрин олиб турибди, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини оширишга, жуда қаттиқ иқтисодий тежашга риоя қилишга, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети редакция ходимларига ва журналнинг авторлар активига ижодий меҳнатларида катта муваффақиятлар тилайди ва коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда журнал бундан буён ҳам республика партия ташкилотининг содиқ ёрдамчиси бўлиб қолади, деб қатъий ишонч билдиради.

Журнал мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишининг практикаси илгари сураётган актуал проблемаларни дадиллик билан ўртага қўйиши ва ишлаб чиқиши, коммунизм ғалабаси учун курашда партиянинг тобора кучайиб бораётган ролини кенг ёритиши, республика партия ташкилотининг ташкилотчилик ва идеология ишидаги барча янгиликларни қўллаб-қувватлаши, ўз диққат-эътиборини кадрларни марксча-ленинча тарбиялаш, коммунистларга, барча меҳнаткашларга сиёсий билим беришни кучайтириш КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш масалаларига қаратиши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»— «КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА» ЖУРНАЛИНИ УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Марксча-ленинча назарияни пропаганда қилишда актив қатнашганлиги, республикада ташкилотчилик ва идеология ишини такомиллаштиришга самарали ҳисса қўшганлиги учун ҳамда нашр этила бошлаганига 50 йил тўлиши муносабати билан «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журнали Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1971 йил 15 январь. Тошкент шаҳри.

КПСС XXIV съезди шарафига

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДА

САМАРҚАНД. 15 январь. (ЎзТАГ). Бугун Самарқанд область партия конференцияси очилди. Область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Усмонов область партия комитетининг ҳисобот докладини қилди.

Конференцияда таъкидлаб ўтилганидек, область партия ташкилоти ҳисобот даврида партия XXIII съездининг ва КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошириш борасида катта иш қилди. Делегатлар ўз нутқларида область меҳнаткашлари партия XXIV съездини муносиб ишлар билан кутиб олишга интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов қатнашмоқда.

* * *

Кеча Фарғона областининг XVI партия конференцияси ўз ишини бошлади. Область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. Шамсиддинов область партия комитетининг иши тўғрисида ҳисобот доклади қилди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар ҳисобот даврида, айниқса юбилей йилида партия ташкилотининг раҳбарлиги остида хўжалик ва маданий қурилиш соҳаларида эришилган муваффақиятлар тўғрисида гапирдилар.

Делегатлар конференциянинг юксак минбаридан туриб саноат корхоналари, қурилишлар, колхозлар ва совхозларнинг меҳнаткашлари Ленин юбилейи вахтасини давом эттирганлари ҳолда КПССнинг XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун қандай тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида гапириб бердилар.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов ва КПСС Марказий Комитетининг инспектори М. Л. Ишков қатнашмоқдалар.

(ЎзТАГ).

* * *

БУХОРО. **15 январь. («Совет Ўзбекистони» махсус мухбирларидан).** Бугун бу ерда область коммунистларининг XVI партия конференцияси ўз ишини бошлади. Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қ. М. Муртазоев область партия комитетининг ҳисобот докладини қилди.

Докладчи ва музокарада қатнашган нотиқлар область меҳнаткашларининг саккизинчи беш йилликда эришган улкан муваффақиятларини зўр қувонч билан таъкидладилар.

Область меҳнат аҳли партия ташкилотлари раҳбарлигида КПСС XXIV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун катта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партиявий-ташкилий ишлар бўлимининг мудири Г. М. Орлов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг инспектори В. А. Емцов ўртоқлар иштирок этмоқдалар.

Конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

О. УСМОНОВ,
Т. НАЗИРОВ.

* * *

Шунингдек, Наманган ва Қашқадарё областларида ҳам область партия конференциялари ўз ишини бошлади.

КОММУНИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

БИРИНЧИ ПАХТА

Чўлнинг номи Ғунча. Нимаси ғунчайкин. Очилмай қолгани учунми? Балки. Ҳар йили наврўзи оламда бу ерлар ҳам умри қисқа муҳаббатдай бир яшнаб, сўнг хазон бўлади. Сўнг очилмай қолган лолалару, ўт-ўланлар баргини чўл қуюни тентиратади. Саратонда қумга тухум қўйсанг, кампир шафтолининг данагини ажратгунча оқи—оқ, сариғи—сариқ бўлиб пишади. Ана шу чўлга энг биринчи Кимёхон Ўктамова бошлик 8 қиз қадам қўйди. Авваллари ҳеч нарса унмаган ана шу чўлда тўққиз қизнинг юзидай лўппи, кўнглидек мулойим, оппоқ пахталар пиёладан тошган нишолдалардай чаноқларни тарсиллатиб очилди. Кимёхон кўзининг нури билан иситган, меҳри билан суғорган пахталарини кўрганда беихтиёр энтикиб қўярди. Қиз бола боши билан яйдоқ чўлда хирмон кўтариш осонми, ахир. Оқшом тушгач, чўл яна ҳувуллаб қолади. Фақат, шамолдагина пахтазор денгизи сирли чайқалади.

Ғўзалар баргидаги шабнам эмас, тўққиз қизнинг пешана тери эди. Қуёш нури барглардаги шабнамга урилиб, далалар уйғонганда, қизлар яна далада пайдо бўладилар. Агрегатлар гумбурлайди. Оғир этаклар белни букмоқчи бўлади. Аммо, пўлат эгиладию синмайди. Бу пўлат одамлар билан на табиат, на юкнинг оғирлиги овора бўлади. Ахир бу қизлар беш марта қайта экдилар. Қатқалоқни енгдилар, дўлни, селни чекинтирдилар 60 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтарилди. Ҳозир бағри тилиниб шудгорланган ерлар қорни тамшаниб-тамшаниб сипқормоқда. Кимёхон дала кўриб қайтганда, радиодан шеър ўқиларди:

Биринчи шоир «Биринчи муҳаббатим», — деди куйиниб.

Иккинчиси «Биринчи фарзандим», — деди энтикиб.

«Биринчи маошим», — деди яна бири севиниб.

Қизлар ўйчан борарди. Кимёхон тинчликни бузди.

— Агар шоира бўлганимда, мен шундоқ шеър ёзардимки, — деди у, — мазмуни шундай бўларди. Биринчи муҳаббатим ҳам, фарзандим ҳам, маошим ҳам пахта бўларди. Негаки, ҳали муҳаббат нималигини билмай туриб, пахтага дилимиз боғланиб қолади. Ганишер, менинг олтита болам бор, еттинчиси пахта деган экан. Биринчи маошимиз ҳам пахтадан...

Қизлар тўла қўшилди. Машина силкиниб-силкиниб борарди.

Шоирлар шеър ўқирди... Кимёхон ўйларди. Биринчи пахтам. Бу сўзнинг таркибига биринчи муҳаббат ҳам, тўнғич фарзанд ҳам, илк маош ҳам мўмиёйи аслдек бирикиб кетган эди.

Киров район «Партия XX съезди» совхози.

ЙИГИТЛАР САРДОРИ

Ҳакимжонни ёш уйлаб қўйишди. Келин ҳам ўзи қатори. Расмга кўра, чорсига совға солиб чимилдиққа кирганда келинчак ёшгина йигитга қирғий қараш қилиб қўйди. Ўзининг ёшлигини ўйламасди. Ҳар ҳолда оилани эркак тебратади. Ёноқлари ёниб, илк севгининг оташидан қўллари сезилар-сезилмас титраб чой узатади. Назарида Ҳакимжоннинг темирчининг босқонидек гурсиллаб ураётган юраги оҳиста тепаётгандек бўлганда, қўлидаги анорни жўхоридек уқалаб ниманидир сўради:

— Нима бўлади?

— Нима — нима бўлади?— Ҳакимжон ҳайрон.

— Тирикчилик.

Йигит ўйланиб қолди.

— Бир гап бўлар. Эл қатори.

— Ундогмас-да. Ўқишингиз ҳам ҳалигидай экан.

— Ҳа, еттини битирганман. Ўн йиллик қишлоқдан узоғийди. Қўйинг, ҳамма олим бўлса чорвани ким боқади. Ташвишланманг. Йигитнинг моли ерда. — Ҳакимжон қўлларига қаради. Қадоқ. Келин ҳам ўз қўлига термулади. Унчалик нозикмас...

Орадан анча йил ўтди. Ҳакимжон ёш бўлса ҳам оилага бош. Саккиз боласи бор. Ҳакимжон айтмоқчи, йигитнинг моли ерда экан. Ер юзини — эр, эр юзини ер очаркан. Неча йилдирки, Ҳакимжон Хўжамуродов совхознинг Ғуломжон Шомирзаев бошқараётган «Намуна» бўлимида — механизатор. Оддиймас, областга, қолаверса — республикага таниқлик механизатор. Гап кучдамас, ғайратда, — деди Ҳакимжон,— ичи тўла куч бўлиб ғайрати бўлмаса бир пул. Кучи бўлмаса-ю, ғайрати бўлса — бу зўр. Дарҳақиқат. Ҳам ишлаб, ҳам ўқиб кеч бўлса ҳам ўн йилликни тугатиб олди. Ҳеч қайси йили Ҳакимжон бу йилгидек ғайрат билан ишламаган эди.

Республика комсомоллари унга катта ишонч билдириб, ВЛКСМнинг XVI съездига делегат қилиб сайлаганини оқлаш керак.

Юксак ишончга жавобан бир ўзи машинада қарийб 200 тонна пахта терди. Қишлоқ узра тун чўкиб, иссиқдан ҳансираган дарахтларнинг барги йиғилиб қолганда, у бир ажиб ҳис билан уйга қайтади. 8 бола этагидан тутади. Ўнта бўлса — ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи дегандай ҳар бири бир олам. Ота-да, ҳар бирининг тақдирини ўйлайди. Ким бўларкин? Нима бўларкин? Ўйлаб-ўйлаб, ўзича ҳар ҳолда йигитнинг моли ерда-ку, деб кўнглига таскин беради. Ҳа-да, йигитнинг моли ерда.

Анвар ЭШОНОВ.
Киров район, «Октябрь 40 йиллиги» совхози.

ЎЗБЕКИСТОН ССР Озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли Қўйлиқ теплица комбинати шу йилнинг биринчи кварталида аҳолига 300 тонна эртаги помидор, бодринг ва бошқа маҳсулотлар етказиб беради. Ҳозир бу ерда помидорни узиш бошланди. Юқоридаги суратда звено бошлиғи Маъфурат Тўхтаназарова ва ишчи Насиба Ойхўжаева узилган помидорни шаҳар аҳолисига жўнатиш учун тайёрлашмоқда. Пастдаги суратда эса ишчи Мукаррама Тўрахўжаева помидор узяпти.
Н. Глауберзон фотолари.

ЖУРНАЛ ЮБИЛЕЙИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг назарий ва сиёсий журнали «Ўзбекистон Коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» эллик ёшга тўлди.

15 январда Тошкентда ана шу шонли йилликка бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Бу йиғилишда шаҳар меҳнаткашлари коллективларининг намояндалари, журналистлар, олимлар ва пропагандистлар, партия, совет ҳамда жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

КПСС Марказий Комитети ленинчи сиёсий бюроси состави баланд руҳ билан йиғилиш фахрий президиумига сайланди.

Ҳозир бўлган кишилар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг журналга юборган табрикномасини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Табрикномани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолигига кандидат, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. Сахибоев республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини топширди. Журнал юбилей муносабати билан шу ёрлиқни олишга сазовор бўлди.

Журнал босиб ўтган шонли йўл тўғрисида унинг бош редактори А. Д. Ивахненко доклад қилди.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. Қориев, «Партия турмуши» — «Партийная жизнь» журналининг бош редактори Т. С. Соатов, Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари Т. Содиқов, Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — пропаганда бўлимининг бошлиғи полковник Н. С. Злобин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти директорининг ўринбосари Ғ. Н. Неъматов, «Ташсельмаш» заводи партия кабинетининг мудири А. Е. Самсонов, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети тарих факультетининг декани, тарих фанлари доктори Г. А. Ҳидоятов йиғилишда сўзга чиқиб, журнал колективини табрикладилар. Улар марксча-ленинча назарияни. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати сиёсатини пропаганда қилишда журналнинг кўрсатган катта хизматлари тўғрисида гапириб, редакция коллективига янги ижодий муваффақиятлар тилашди.

Журнал номига Москва ва қардош республикалардаги назарий ва сиёсий журналлардан, Ўзбекистон партия ташкилотлари ва журналистлар коллективларидан, илмий ва бошқа турли ташкилотлардан кўпдан-кўп табриклар олинди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ҳ. Р. МУҲАММАДХОНОВ ВА З. ЁҚУБОВЛАРГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Марксча-ленинча назарияни пропаганда қилишда актив қатнашганлиги, республика матбуотида самарали ишлаганлиги учун ва «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журналининг 50 йиллиги муносабати билан қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» Фахрий унвони берилсин:

Муҳаммадхонов Ҳифзиддин Рамзиддинович — редакциянинг масъул секретари.

Ёқубов Зиёвуддин — журнал бош редакторининг ўринбосари.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1971 йил, 15 январь.
Тошкент шаҳри.

ЧЎЛДА БАХТ ТОПГАНЛАР

Улар Қашқадарёда туғилган эдилар. Аммо уларнинг манглай тери, қалб қўри сингган ер—азим Мирза дашти бўлди. Чўлқуварлар ўзларининг мардонавор меҳнатлари билан Мирзачўл ерларини ардоқладилар. Қамишзор-тўқайзорлар ўрнида пахтазорлар бунёд этилди.

Ҳамқишлоқлари Янгибой ака Тўлаковни чўлга кўчиб келган йилиёқ ўзларига етакчи қилиб сайлаган эдилар. Мана, орадан йигирма икки йил ўтибдики, Янгибой ака шу коллективнинг бош отахони. Коммунист. Бир неча йиллардан буён район Советининг депутати.

Бригада аъзолари дастлаб чўл бағридан 29 гектар ер ўзлаштириб пахта экдилар. Ўша йили ҳар гектар ердан 10 центнердан ҳосил олинганди. Бригаданинг ер майдони йил сайин кенгайиб борди, ҳосилдорлик ошди. Бригада аъзолари ўтган беш йилликнинг биринчи йилида ҳар гектар ердан 37 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб, «Коммунистик меҳнат зарбдорлари» деган юксак номни олишга муваффақ бўлдилар.

Азаматлар Ленин юбилейи йилида ҳам катта зафар қучишди. 180 гектар ернинг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил олинди. Пахтанинг сал кам 90 проценти машиналар ёрдамида йиғиб-териб олинди. Давлатга пландаги 400 тонна ўрнига 600 тонна «оқ олтин» сотилди. Пахта тайёрлаш йиллик плани эса 125 процент қилиб бажарилди.

Бригада аъзолари жонажон партиямизнинг қутлуғ XXIV съезди бўладиган йилда гектар бошига ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга азму-қарор қилишган. Шу боисдан улар келгуси ҳосилга ҳар томонлама пухта замин яратаётирлар. Кузги шудгорлаш ишлари ўз вақтида сифатли ўтказилди. Ер минерал ҳамда маҳаллий ўғитларга обдон тўйдирилди. Яхоб бериш ишлари ҳам кўнгилдагидай ўтди.

— Бригадамиз аъзолари билан ҳақли равишда фахрланаман, — дейди Янгибой ака. — Улар худди бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ. Аҳиллик бор ерда барака ҳам бор. Эришаётган барча муваффақиятларимизнинг калити ҳам ҳамжиҳатлик билан қилинган меҳнатда деб биламан.

Дарвоқе, бу коллективда Тошпўлат Ботиров, Шоиб Нурмамбетовдек тилга тушган механизаторлар, Михли Турсунов, Раҳмат Тўлаков сингари миришкор сувчилар, Турсун Чоршанбоева ҳамда Сафина Ботирова каби чевар теримчилар меҳнат қилишади. Бу кишилар Мирзачўлда фидокорона меҳнат қилиб ўз қадрини, бахтини топган чўлқуварлардир. Эндиликда улар Мирзачўл тупроғини ҳар нарсадан муқаддас деб биладилар. Чунки уларнинг меҳр-муҳаббати манглай тер бўлиб шу ер, шу заминга сингиб кетган. Эски Мирзачўл, ҳозирги Гулистон уларга Ватан бўлиб қолди.

О. ҚИЛИЧЕВ,
Гулистон районидаги Карл Маркс номли колхоз.

ТОШКЕНТ АСВОННИ ТАБРИКЛАМОҚДА

Асвон гидроэнергетика комплекси расмий равишда ишга туширилиши муносабати билан Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги вакилларининг 15 январда бўлиб ўтган йиғилишида Бирлашган Араб Республикаси халқига самимий муборакбод сўзлари айтилди.

Йиғилишда шаҳардаги корхоналар ва ташкилотлар коллективларининг вакиллари, араб мамлакатлари билан дўстлик совет жамияти Ўзбекистон бўлимининг активлари, Бирлашган Араб Республикаси ва бошқа Араб мамлакатларидан Тошкентга келиб ўқиётган студентлар ва аспирантлар қатнашдилар.

Йиғилиш иштирокчилари социал-иқтисодий тараққиёт йўлида, Исроилнинг империалистик агрессиясига қарши курашда Бирлашган Араб Республикасининг дўстона халқига янги-янги муваффақиятлар тиладилар.

(ЎзТАГ).

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

АСВОНДАГИ ТАНТАНАЛАРДА ҚАТНАШИШ УЧУН

ҚОҲИРА, 14 январь. **(ТАСС махсус мухбири).** СССР Олий Совети Президиуми Раиси Н. В. Подгорний ва Бирлашган Араб Республикасининг Президенти Анвар Садат ҳамда уларнинг ҳамроҳлари Асвон гидроэнергетика комплекси қурилиши тугалланиши муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда қатнашиш учун бугун Қоҳирадан Асвонга учиб кетдилар.

Улар шу кунiёқ Асвонга етиб келдилар.

СОВЕТ—МИСР МУЗОКАРАЛАРИ

ҚОҲИРА, 14 январь. (ТАСС). Бугун Қубба саройида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний билан Бирлашган Араб Республикаси Президенти Анвар Садат ўртасида музокаралар бошланди.

Музокараларда совет томонидан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. М. Матчонов ва бошқалар, БАР томонидан вице-президентлар Ҳусайн Аш-Шафий билан Али Сабрий ва бошқалар қатнашмоқдалар.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг назоратчилари Холида Раҳматуллаева ва Антонина Морозовалар маҳсулот сифатли бўлиши учун курашишади. Улар ҳар куни 16 минг метрдан кўпроқ турли газламаларни текшириштан ўтказишади.

МУТАХАССИСЛАР СЕМИНАРИ

Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик республика илмий-текшириш институтида Калинин район колхоз ва совхозларининг агрономлари, боғдорчилик бригадаларининг бошлиқлари учун бир ҳафталик семинар бўлиб ўтди.

Институт илмий ходими А. Мартиненко хўжаликларда олимлар олиб бораётган амалий ишлар ҳақида гапирди.

О. Турсунметова сабзавот экиплари касалликларининг олдини олиш ҳақида қимматли фикрлар билдирди. Унинг айтишича, стольбург, мозайка каби касалликлар сабзавот уруғини экишдан бошлаб ривожланади. Бу касалликларнинг олдини олиш учун уруғни парникларга сепиш олдидан ишлаш, термостатда қиздириш лозим. «1-Назарбек» совхозида тажрибали сабзавоткор Ўринбой Каримшоев бу усулни қўлланиб, деҳқонларга сара ва соғлом кўчатлар етиштириб бермоқда.

Илмий ходим Ш. Хўжаев карам, помидор ва болгар қалампири кўчатларини совуққа чидамли қилиб ўстириш эртаги ҳосил етиштиришнинг асосий омил эканлиги ҳақида фикрлар айтди.

Семинар охирида райондаги хўжаликларнинг тажрибали соҳибкорлари ўз иш методлари ҳақида гапириб беришди. Карл Маркс номли колхознинг бригада бошлиғи Т. Раҳимов бир гектар майдонда плёнка остида бодринг етиштириб, пландаги 290 центнер ўрнига 400 центнер ҳосил йиғиб олганини айтиб берди. «Обидов-2» навли картошканинг ҳар гектаридан 210-220 центнер ҳосил олган «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи М. Ҳакимов ҳам ўз тажрибаларини ўртоқлашди.

«Қорасув» совхозининг моҳир механизатори Н. Муҳиддинов сабзавот экинларини парвариш қилишда механизациянинг роли ҳақида сўзлади.

А. ҚУЗИЕВ,
Калинин район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош агрономи.

А. ҚУРБОНОВ,
«Ленинчи» газетаси редакторининг ўринбосари.

„Узсельхозтехника»нинг Янгийўл районидаги ихтисослаштирилган устахонаси коллективи колхоз ва совхозлар учун капитал ремонт қилинган двигателларнинг катта партиясини кўклам экиш кампаниясига тайёрламоқда. Суратда: Ф. Куликовский ва Б. Медянцевлар ремонт қилинган моторларни жўнатишга тайёрлашмоқда.

И. Глауберзон фотолари.

«Ислоҳот ва рағбатлантириш» мақоласи муҳокамада

КОРХОНА ШАРАФИ

Ҳар бир корхонанинг шоншуҳратини у ишлаб чиқарган маҳсулотнинг сифати, харидоргирлиги белгилайди. Харидорни бездириб қўйиш осон, лекин уни чорлаш қийин. Шунинг учун харидор кўз ўнгида корхона маркасининг шуҳратини йўқотмаслик керак. Иқтисодий ислоҳот бизни шунга ўргатяпти. Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси ишчиларнинг онгини, меҳнатга муносабатини кескин ўзгартириб юборди. Улар кирим билан чиқимнинг фарқига борадиган, ўйлаб, ақл-идрок билан иш юритадиган бўлиб қолдилар.

Илгари биз кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ошиқардик. Уни харидорга тезроқ етказиш билан ишимиз бўлмасди. Корхона билан савдо ташкилотлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилмаганди. Тайёр маҳсулотнинг вақтида реализация қилинмасдан корхонада туриб қолишининг боиси шу эди. Янги системага ўтилгач, ишлаб чиқарилган маҳсулот қанча тез реализация қилинса, корхона ва коллектив шунча кўп манфаат кўрадиган бўлади. Бунг бутун коллективга тушунтирдик. Савдо базалари бўйича графиклар туздик. Қайси базага қачон маҳсулот юборилишини олдиндан белгилаб қўйдик. Масалан, Хоразм, Сирдарё, Қорақалпоғистон АССР каби узоқ жойларга маҳсулотни ойнинг бошида жўнатамиз. Яқинроқ базаларга эса ойнинг ўрталарида юборамиз. Шундай қилинганда, тайёр маҳсулот фабрикада тўпланиб қолмайди. Савдо-сотиқ ишлари тезлашади, корхона фондига тушадиган кирим кўпаяди.

Беш йилликда фабрикамизда маҳсулотни реализация қилиш анча ўсди. 1966 йили ҳаммаси бўлиб, 808 минг жуфт оёқ кийимлари ишлаб чиқарилган эди.. Беш йилликнинг охирги йилида 1 миллион 290 минг жуфт пойафзал тайёрланди. Бу пландагидан 70 минг жуфт кўп.

Фабрикамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари беш йиллик план топшириқларини муддатидан қарийб икки ой олдин бажаришга муваффақ бўлдилар. Шу давр ичида планга қўшимча равишда 1 миллион 455 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Янги системага ўтганимиздан кейин фабрикамизда маҳсулотнинг сифати ўсгарилди. Саратовликлар тажрибаси асосида маҳсулотни бир кўрсатишдаёқ юқори баҳоланишига эришишга ҳаракат қиляпмиз. Бракни камайтирдик. 1970 йилда биринчи сорт маҳсулот ишлаб чиқариш 1966 йилдагига нисбатан 10,2 процент кўпайди. Янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш ва иш жараёнларини механизациялаш ҳамда автоматлаштириш йўли билан меҳнат унумдорлиги 1970 йилда эса 17 процент оширилди.

Маҳсулотнинг таннархини камайтириш соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. **Меҳнат унумдорлигининг мутасил ортиб бориши, тежамкорлик принципига оғишмай амал қилиниши, маҳсулот таннархининг пасайтирилиши, ишлаб чиқарыш фондларидан оқилона фойдаланиш, маҳсулот реализациясининг яхшиланиши туфайли фойда олиш 1966 йилдагига қараганда 6,5 марта кўпайди. Анироқ қилиб айтганда, 1966 йили фабрикамиз бўйича олинган фойда 206 минг сўмни ташкил этган эди. 1970 йилда 1 миллион 323 минг сўм фойда олинди. Беш йилда 4 миллион 74 минг сўм фойда кўрдик.**

Тежамкорликка алоҳида эътибор бердик. Беш йил ичида 4 миллион 107 минг квадрат дециметр чарм тежадик. Бундан 137 минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқариш мумкин. Илгари чиқиндиларни ташлаб юборардик. Энди ликда ундай эмас. Қийқимлардан болалар учун чуваклар ишлаб чиқара бошладик. Ҳар йили чиқиндилардан ўртача 40 минг сўмлик болалар пойафзали тайёрлаяпмиз. Шунингдек, фабрикамизнинг рентабеллик даражаси ортди.

Энг муҳими иқтисодий ислоҳотнинг шарофати билан корхона фонди бойиди. **Ислоҳотгача фабрикамиздаги моддий ва маънавий рағбатлантириш фонди 2 минг сўмни ташкил этар эди. 1967 йили моддий рағбатлантириш фондига 55 минг сўм, 1970 йилда эса 90 минг сўм ажратдик.**

Мен бу ўринда «Совет Ўзбекистони» газетасида босилган «Ислоҳот ва рағбатлантириш» деган мақолани эслатиб ўтмоқчиман. Газета моддий рағбатлантириш фондидан қандай фойдаланиш хусусида гап очиб яхши иш қилди. Ўша мақолада айтилганидек, моддий рағбатлантириш фондидан ҳар қайси коллектив ҳар хил фойдаланяпти. Биз бу фонддан ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни мукофотлаш мақсадида фойдаланмоқдамиз. Ишчиларни ҳар ойда, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни эса ҳар кварталда мукофотлаймиз. Умуман, иқтисодий ислоҳотдан кейин фабрикамизда ишчиларнинг иш ҳақи 27 процентга кўпайди.

Мукофотни ишда шахсий намуна кўрсатган, юксак кўрсаткичга эришган, фабрика фойдасини кўзлаб ишлаган, меҳнат интизомини бузмаган, нуқсонсиз маҳсулот ишлаб чиқарган ва жамоат ишларида фаол қатнашган кишиларга бермоқдамиз. Яқинда биз пойафзал тикувчи Хусан Мансуровга 30 сўм, тайёрловчи Ёқуб Ягудаевга 30 сўм, пойафзал тахловчи Маннон Абдулҳақовга 20 сўм ёзиб бердик. Улар мукофот беришга арзийдиган кишилар эди. Топшириқни ҳамиша ошириб бажаришади. Ишда бракка йўл қўйишмайди. Ёшлардан фойдали маслаҳатларини аямайдилар. Жамоат ишларида фаол қатнашиб келадилар.

Фабрикада узоқ йиллардан бери ишлаётган, номлари ҳурмат тахтасига тушган, юришturишда барчага ибрат бўлаётган, шогирд тайёрлаган кишилар ўн учинчи маош билан тақдирланади. Тўхтасин Эгамов ўн учинчи маош бўйича 132 сўм, Собир Иброҳимов 100 сўм, М. Эралиев 138 сўм пул олди. Биз бу пулларни жўнгина рўйхат бўйича топшириб қўймадик. Коллективни тўплаб, мазкур ўртоқларнинг ибратли ишларини бирма-бир санаб ўтдик. 20 йилдан бери фабрикамиз шарафи учун курашиб келаётганликларини айтдик. Ҳамма рози бўлди, мукофот тўғри ёзилибди, дейишди.

Янги системага ўтилгандан сўнг фабрикамизнинг маданий-маиший фонди ҳам сезиларли даражада кўпайди. 1967 йили бу фондга 18 минг сўм ажратилган бўлса, беш йилликнинг охирги йилида 30 минг сўм ажратилди. Биз бу фонддан ҳам расамади билан фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Шу фонд ҳисобидан 10 киши Болгария ва араб мамлакатларига саёҳатга бориб келди. Фабрика ошхонасини қайта жиҳозладик. Маданий-оқартув ишларини яхшилаб олдик.

Булардан ташқари фабрикамизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди бор. Иқтисодий ислоҳотга қадар бу фондга тушган пул 4 минг сўмдан ортмаган эди. Ҳозир ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди 48 минг сўмга етди. Бу пулни техника тараққиётига сарфлаётирмиз. Кейинги йилларда 75 дан ортиқ янги асбоб-ускуна ўрнатилди.

Бир сўз билан айтганда, янгича ишлашга ўтилгач, фабрикамизда ишлаб чиқариш самарадорлиги ортди. Ички резервларни қидириб топиш ва ишга солиш имконияти туғилди. Ишчилар серҳаракат бўлиб қолишди, меҳнат интизоми мустаҳкамланди, қўнимсизлик тугатилди.

Партия XXIII съездидан кейин фабрикамизда катта ўзгаришлар рўй берди. Ишлаб чиқариш майдони икки баравар кенгайтирилди. Янги цех қурилиб, ишга туширилди. Фабрикамиз икки сменада ишлайдиган бўлди. Маҳсулотнинг турлари кўпайди. Аёллар учун туфли, чувак, ковуш, махси, енгил этик ва бошқа миллий оёқ кийимлари ишлаб чиқаряпмиз.

Ютуқларимиз кўп. Коллективимиз 1970 йилнинг учинчи кварталида Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг учинчи пул мукофотини олди.

Фабрикамизнинг истиқболи янада порлоқ. Тўрт қаватли янги корпус қурилмоқда. У битса, қўшимча 1 миллион жуфт оёқ кийими ишлаб чиқариш мумкин бўлади.

Фабрикамиз коллективи партия XXIV съезди шарафига социалистик мусобақани тобора қизитмоқда. 1971 йил биринчи квартал планини муддатидан олдин бажаришга аҳд қилдик. Пландан ташқари 12 минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқариш ниятидамиз.

П. ШЕРМАТОВ,
Андижон пойафзал фабрикасининг директори.

ХАБОРОТ

МОСКВАДАН ХАТ

ПОЛЬША ҚЎРГАЗМАСИ ТОШКЕНТДА

Жаҳон пролетариатининг улуғ доҳийси Владимир Ильич Ленининнинг Польшада бўлиши, Ленин ғояларига амал қилиб, социалистик Польшада муваффақият билан олиб борилаётган янги қурилишлар , СССР ва Польша Халқ Республикаси орасидаги дўстлик ҳақида ҳикоя қилувчи «Ленин Польшада» кўргазмаси очилди. Бу кўргазма ҳозир Москвада намойиш қилинаётир.

«Ленин Польшада» кўргазмаси энди Тошкент Ленин музейи филиалида намойиш қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН ФОТО УСТАЛАРИ МАДҲИДА

Москвада ташкил қилинган «Ватанимиз бадиий фотоларда» кўргазмасига мамлакатимиз фото усталари олган 1500 дан ортиқ сурат қўйилган.

Ўзбекистонлик фоточилар Р. Ашуров, Р. Жуманиёзов, З. Пенсон, С. Маҳкамовларнинг республика ҳаётидан олиб юборган кўпгина фотосуратлари томошабинлар эътиборини ўзига тортмоқда.

Бу ерда яна Москва, Одесса ва Ленинград фото усталарининг Ўзбекистон ҳаёти, Самарқанд, Хива, Тошкент ва Фарғона водийлари манзараларидан олинган расм, суратларига ҳам катта ўрин берилган.

ТЕЖАМКОРЛИК ЙИЛИДАН

СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги 1971 йилда янги техника асосида бажариладиган муҳим ишлар рўйҳатини тасдиқлади. Рўйҳатда кўрсатилган 30 дан ортиқ муҳим объектлар Ўзбекистонда тикланади. Бу соҳада ўзбек энергетикларига Москва, Челябинск, Свердловск, Олмаота мутахассислари ҳамкорлик қилишади.

Оҳангарон ГРЭСидаги «ВК-100-6» типидаги турбиналар қисмларидан бири реконструкция қилиниши натижасида дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, бир йилда 128 минг сўм иқтисод қилинади. Навоий ва Тошкент ГРЭСларидаги буғ қозонларини такомиллаштириш натижасида бир йилда 100 минг сўм иқтисод қилинса, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидаги мой ишлаб чиқарадиган турбиналарни яхшилаш билан ҳам шунча тежам олинади.

МИНЕРАЛ СУВЛАР КАРТАСИ

Марказий курортология ва физиотерапия илмий текшириш институти Совет Иттифоқидаги минерал сув чиқадиган жойларнинг рангли картасини тузди.

Минерал сувлар картасида Фарғона водийсидаги Чимён, Тошкент минерал сувн манбаи ҳам ўрин олган. Шунингдек, бу картада Туркманистондаги Арчиан, Қирғизистонда чиқадиган Жетти-ўгиз ва Тожикистоннинг Обигарм сув манбалари кўрсатилган.

С. КОСТИРКО.

КИНО ЯНГИЛИКЛАРИ

◆ **«ҚАҲРАТОН ТОНГА»**

„Совет артисти Юрий Каюров Монголиянинг «Қаҳратон тонга» деган янги бадиий фильмида В. И. Ленин образини яратди. Картинада жаҳон пролетариати доҳийсининг Монголия халқ революцияси раҳбари Д. Сухэ-батор билан учрашуви кўрсатилган. Томошабинлар Монголия Халқ Республикасининг тузилиши тарихи, янги армия қурилиши, Монголия комсомолининг вужудга келиши тарихи билан танишадилар.

Москва.

◆ **ҚАҲРАМОНЛАР ТЎҒРИСИДА ҚИССА**

„Атаманнинг тугатилиши» деган янги икки серияли бадиий фильм Қозоғистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун ҳаётини қурбон қилган коммунист чекистларга бағишланган. Режиссёр, СССР халқ артисти Шакен Айманов фильмни «Қозоқфильм» студиясида қўйган. Томошабинлар «Жонажон Докторимиз», «Аждодлар ери», «Дўппи кийган фариштa», «Алдаркўса» картиналари орқали Ш. Айманович яхши билишади.

Олмаота.

◆ **«БЕШ ЖАСУР»**

„Беш жасур» деган янги рангли бадиий фильм Улуғ Ватан уруши йилларида белорус болаларининг қаҳрамонлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Ёш режиссер Леонид Мартинюк бу картинани Алес Осипенко сценарийси асосида «Белорусфильм» студиясида яратди. Асосий ролларнинг ёш ижрочилари таниқли артист Д. Банионисининг ўғли — Роймондас, минсклик ўқувчилар Саша Примаков, Таня Шчигельская, Костя Линевский фильмда муваффақиятли ўйнашди.

◆ **АНТИФАШИСТ КУРАШЧИЛАР ТЎҒРИСИДА**

Янги «Таваккал» кинокартинаси совет разведкачилари ва Польша ватанпарварларининг фашист босқинчиларига қарши бирга олиб борган курашларига бағишланган. Бу фильмни П. Дидикининг «Душман орқасида» китоби асосида «Молдова фильм» суратга олган. Фильмни режиссер Василе Паскару ишлади.

Кишинев.

◆ **«РОССИЯ ШУ ЕРДАН БОШЛАНАДИ»**

Олис Камчаткага бағишланган янги фильм шундай деб аталади. Картинада ярим оролнинг ўзига хос табиати, ярим орол туб аҳолиси - коряклар, ительменлар, эвенларнинг ҳаёти ва меҳнати кўрсатилган. Фильм Узоқ Шарқ кино йилномасининг янги бир саҳифасидир. Узоқ Шарқ кинохроника студиясининг ижодий ходимлари Хабаровск ва Приморье ўлкалари, Сахалин ва Амур области тўғрисида ҳикоя қилувчи ленталарни мамлакат экранларига чиқаришган эди.

Хабаровск.

(ТАСС).

ВАТАН ПОСБОНЛАРИ

Мана, Армиямизга янги чақирилган ёшларнинг охирги командаси белгиланган жойларга — ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ учун қўшинларига жўнаб ҳам кетишди.

Бизнинг республикамиз 1970-юбилей йилида Қуролли Кучларимиз учун билимдон, жисмоний бақувват, идеологик жиҳатдан баркамол ва ўз Ватанини жон-дилидан севадиган муносиб ёш ўринбосарларни тайёрлаб берди.

Бу ўринбосарларни икки-уч йил давом этадиган мураккаб, жанговар ва сиёсий ўқиш кутиб турибди. Армияга чақириш ва унда хизмат қилиш «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги Қонунга тамомила мувофиқ ташкил этиляпти.

«Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги янги Қонун, маълумки, СССР гражданларининг шарафли бурчларини бажариш тартибига принципиал аҳамиятга эга бўлган бир қанча янги қоидалар киритди. Солдатлар, матрослар, сержантлар ва старшиналар учун ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ муддатлари қисқартирилганлиги, барча гражданлар учун бир хил чақириқ ёши белгиланганлиги; ҳар йили бир марта ўрнига икки марта чақирилиши, чақириқ ёшидаги гражданларга чақириқ муддатини кечиктириш камайтирилганлиги; ёшларни бошланғич ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш жорий этилганлиги ва шу кабилар ана шу қоидалар жумласига киради.

Янги Қонун асосида ишлашнинг уч йиллик асосий якуни шундан иборат бўлдики, ёшлар орасида армияда хизмат қилишга интилиш кучайди, ўзининг шарафли бурчини бажаришга онгли муносабатда бўлиш хисси сезилари даражада ортди, ҳарбийга чақирилаётган ёшлар орасида ҳарбий-учёт интизоми яхшиланди.

Чақирилувчи ёшлар орасида техника ихтисосига эга бўлган кишилар йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан, ҳарбий хизматга чақирилган ёшларнинг 70 процентдан кўпроғи техника ихтисосига эга. Шунингдек, шофер ёки тракторчи, комбайнчи, пахта териш машинасини ҳайдовчи, экскаваторчи, радиотехник, радиотелеграфист ёки парашютчи ва шу каби малакалари бор.

Ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар армия учун керакли бўлган ана шу ихтисосларни мактабларда, техникумларда ва билим юртларида орттиришди. Зеро, буларда бошланғич ҳарбий тайёргарлик жорий этилган, бундай тайёргарлик ДОСААФ таълим группаларида, заводлар, фабрикалар, колхозлар ва совхозларнинг таълим пунктларида ҳам йўлга қўйилган.

Фарғона, Андижон, Наманган ва Тошкент областлари ёшларни армияда хизмат қилишга тайёрлаш соҳасида энг яхши натижаларни қўлга киритдилар.

Ёшларни армияда хизмат қилишга тайёрлаш борасидаги ҳамма ишлар комсомол ташкилотлари, ДОСААФ, халқ маорифи, ҳунар-техника таълими, соғлиқни сақлаш органларининг, олий ўқув юртлари ва ҳарбий комиссарликларининг актив ёрдами билан республикамиз партия ва совет органларининг кундалик раҳбарлиги ва ёрдами остида ўтказилди.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё область Советлари «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги Қонунда кўзда тутилганидек, ёшларни ҳарбий хизматга жўнатиш вақтида тўпланиш пунктлари ва станцияларида бир умр эсдан чиқмайдиган кузатиш митинглари ўтказдилар. Улар ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларнинг оилаларини уй-жой билан таъминлаш, ота-оналари ва хотинларини ишга жойлаштириш, болаларини болалар боғча ва яслиларига ўрнаштириш тўғрисидаги илтимосларини бажо келтириш юзасидан жуда катта ишлар қилишди.

Армияга куз мавсумида ёшлар чақирилганлиги муносабати билан Қуролли Кучларда хизмат муддатларини ўтаган солдатлар, матрослар, сержантлар ва старшиналар ҳам бўшатилди.

Қуролли Кучларда хизмат қилиб қайтаётган бу ёшларни ишга жойлаштириш, шунингдек уларни, аввало, ўзларининг илгари ишлаб турган жойлари ёки ўқиб турган билим юртларига қайтиб келишларини таъминлаш Қонун билан кўзда тутилган. Республикаларнинг барча ҳарбий комиссарликларида ҳарбий хизматдан бўшатилган жангчиларга уларни қаерда ва қандай иш кутиб турганлигини кўрсатувчи кўргазмали витриналар ташкил этилди.

Биз янги — 1971 йилни кутиб олдик. 1971 йилда армиямизга чақириладиган ёшларни тайёрлаш ва уларни чақирикдан ўтказиш вазифалари 1970 йилдагига қараганда ҳам яхшироқ ҳал этилмоғи керак.

Партиямизнинг XXIV съезди ўтган беш йиллик якунларини ва шу жумладан ўтган беш йилликда Ватанимиз ва СССР Қуролли Кучлари мудофаа қудратини ошириш соҳасида қўлга киритилган натижаларни якунлайди ҳамда мамлакат мудофаасини, Қуролли Кучларнинг жанговарлик қудратини мустаҳкамлашнинг бундан кейинги вазифаларини белгилаб беради.

Ана шуларнинг ҳаммаси тўғрисида гапирганимизда 1971 йилда ва ундан кейин ҳам ёшларни армияда хизмат қилишга тағин ҳам яхшироқ тайёргарлик кўриб чақириш тўғрисида ўйламаслик мумкин эмас. Зотан ҳозирги замондаги ҳарбий-сиёсий вазият бизнинг зиммамизга партиямиз ва Совет ҳукумати раҳбарлигида Армия ва Ҳарбий Денгиз Флотимизни ва бутун мамлакатни ҳар қандай агрессорга қақшатқич зарба бермоқ учун доим жанговар ҳолда ва сафарбар туришга тайёрлаш мажбуриятини юклайди.

Ўтган 1970 йилдаги фаолиятимиз якунларига ана шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, ҳали биз жуда кўп ишлар қилишимиз, қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлай беришимиз ва ишимизда рўй берган камчиликларни бартараф қилиш кераклиги очиқ-равшан бўлади.

Бу йил ёшларни Армияда хизмат қилишга юбориш, кўклам ва куз мавсумида ўтказиладиган машқларга тайёргарлик ишларини аввало ҳарбий комиссарликларда, корхоналарда, ташкилотларда, муассасаларда, ўқув юртларида, колхоз ва совхозларда чақириқ ёшига якин ва чақириқ ёшида бўлган ёшларни ҳисобга олишни тегишинча тартибга келтиришдан бошлаш керак.

Шуни айтиб ўтиш зарурки, бу масалада ҳамма ишлар қилинди деб ҳали айтиб бўлмайди. «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги Қонун корхона, муассаса, ташкилот, ўқув юрти, колхоз ва совхознинг ҳар бир раҳбари зиммасига ҳарбий хизмат ўташга мажбур бўлган ёшлар ва чақириладиган ёшларнинг ҳисобини олиб бориш мажбуриятини юклайди.

Шу йилнинг февраль-март ойларида республика ҳарбий комиссарликлари 1954 йилда туғилган гражданларни қўшимча равишда ҳисобга оладилар ва улар билан ҳарбий хизматга тайёргарлик ишларини ташкил этадилар, шу йилнинг май-июнь ойларида эса 1953 йилда туғилган гражданларни ҳақиқий хизматга чақиришни ўтказадилар.

Келгусида қилинадиган бу муҳим иш корхона, ташкилот, муассасалар, ўқув юртлари, колхоз, совхозлар раҳбарлари, ҳарбий комиссарликлар, физкультура ва спорт комитетлари, комсомол ташкилотлари, ДОСААФ органлари раҳбарлари зиммасига ҳозирнинг ўзиданоқ пухта ўйланган план билан ишга киришиш, унинг ижросини бошланғич партия, комсомол ташкилотлари секретарларининг назорати остига олиш мажбуриятини юклайди.

Биз ишимиздаги ижобий ва салбий жиҳатларимизни яна бир бор чамалаб кўришимиз, кўрсатилган камчиликларни батамом бартараф этишини таъминлайдиган чора ва тадбирларни белгилаб олишимиз ва КПССнинг XXIV съездини кутиб олишга тайёргарлик кўра бориб, шавкатли Қуролли Кучларимиз учун муносиб ўринбосарлар тайёрлашимиз зарур. Бу эса 1971 йилда республикамизнинг мамлакатимиз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш ишига қўшадиган муносиб хиссаси бўлади.

К. КАРИМОВ,
Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари, генерал-майор.

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

И. Охунбобоев номидаги Андижон область музикали драма ва комедия театри ижодкорлари янги йил бошидан бошлаб пахтакорларга маданий хизмат кўрсатмоқдалар. Театр санъаткорлари қатор шаҳар ва районларда бўлишиб, ўн мингдаб томошабинларга ўз репертуаридаги «Холисхон», «Рустам», «Лайли ва Мажнун», «Тошболта ошиқ», «Аяжонларим», «Беш кунлик куёв» спектакларини намойиш этишмоқда. Жойларда томошабинлар билан учрашувлар уюштирилиб, актёрлар ўзига хос ижодий ҳисобот беришяпти.

Тошкент ГРЭСининг 10-блоки бошқариш пультининг навбатчилари Муҳитдинов (ўнгда), Ў. Исмоилов ва М. Мансурова ўртоқлар топшириқларни доимо сидқидилдан адо этишади.

А. Тўраев фотоси.

ЮКСАК МУКОФОТЛАР

Бирлашган Араб Республикасида Асвон гидроэнергетика комплексини қуришда эришган катта муваффақиятлари, янги прогрессив иш усулларини ишлаб чиқаришга кенг кўламда жорий қилганликлари, қурилиш-монтаж ишларини юқори сифатли бажарганликлари учун СССР Олий Совети Президиуми Асвон гидроэнергетика комплекси қурилишидаги монтажчилар бригадасининг бошлиғи **В. Н. Комарга:** Баланд Асвон тўғонини қуриш юзасидан совет бош экспертининг ўринбосари **А. А. Милютинга «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони»** унвонини берди. Уларга **Ленин** ордени ҳамда **«Ўроқ ва болға»** олтин медали топширилади.

* * *

Бирлашган Араб Республикаси Асвон гидроэнергетика комплексини қуришда эришилган муваффақиятлар учун СССР Олий Советининг Президиуми 11 кишини Ленин ордени билан мукофотлади. Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан 39 киши, «Ҳурмат белгиси» ордени билан 84 киши, «Шавкатли Меҳнати учун» медали билан 69 киши ҳамда «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун медали» билан 85 киши мукофотланди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан республика матбуотида актив қатнашганлиги учун ва «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журналининг 50 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журнали редакцияси ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти босмахонасининг бир группа ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОМПАРТИЯСИ ВА ЖАМИЯТИДА ЧКП XIII СЪЕЗДИДАН КЕЙИНГИ КРИЗИСЛИ РИВОЖЛАНИШ САБОҚЛАРИ

(ЧКП Марказий Комитетининг 1970 йил декабрь пленуми қабул қилган ҳужжат)

ПРАГА, 14 январь. (ТАСС). Бу ерда «ЧКП XIII съездидан кейин Чехословакия Компартиясида ва жамиятида кризисли ривожланиш сабоқлари» деган ҳужжат эълон қилинди. Чехословакия телеграф агентлиги бу ҳужжатнинг баёнини тарқатди.

Ҳужжат Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1970 йил декабрь пленумида қабул қилинган.

Ҳужжатда партиянинг 1966 йил июнь ойида бўлиб ўтган XIII съездидан кейинги даврда Чехословакиядаги сиёсий тараққиёт батафсил таҳлил этилади. Чехословакияда 1968 йил январь ойидаги сиёсий ўзгаришларга олиб келган сабаблар таърифлаб берилади ва аввало, 1968 — 1969 йилларда чехословак жамиятининг кризисли ривожланиши қараб чиқилади.

Социализм қурилишида эришилган натижалар, дейилади ҳужжатда, Чехословакия Коммунистик партияси раҳбарлигидаги меҳнаткашларимиз социалистик қурилишнинг мураккаб революцион вазифасини муваффақиятли суратда уддалай олганликларини исбот қилади.

Халқимиз ЧКП раҳбарлиги остида социализм қурилишида ортирган тажриба социализм принциплари экономикаси индустриал ривожланган босқичда социализм йўлига кирган мамлакат учун ҳам тўла ҳажмда тааллуқли эканлигини таъкидлади.

Ҳужжатда ЧКП Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари А. Новотнийнинг тутган позицияси тўғрисида бундай дейилади: «А. Новотний марксчи-ленинчи оқимга етакчилик қилиш ўрнига партиянинг XIII съезди қарорларини ижодий тарзда амалга оширишга, ғоявий бирлик ва ҳаракат бирлиги учун, партиянинг раҳбарлик ролини мустаҳкамлаш учун курашга қаратилган фаолиятига объектив суратда ҳалақит берди. А. Новотний Марказий Комитет ва Президиумнинг қарорларини ноизчил ва бир томонлама талқин қилганлиги натижасида ана шу қарорлардан кўпининг ҳаҳамияти сусайтириб юборилди. А. Новотний гарчи илгари бу қарорларга кўшилган бўлса ҳам, уларга шубҳа билан қаради. А. Новотнийнинг хатолари унинг баъзи шахсий хислатларидан, коллектив раҳбарлик принципини бузишидан, димогдорлик иллати, субъективизм, манманликдан ва кишиларга шубҳа билан қарашидан келиб чиқди. Унинг энг яқин айрим ходимларининг танқидий бўлмаган позицияси ҳам бунга ёрдам берганлиги шак-шубҳасиздир. Шу сабабли мушкул аҳволдан қутилиш ва партияни активлаштириш йўлида интилиш А. Новотнийнинг раҳбар партия лавозимидан истеъфо бериши масаласида жиддий тарзда қўйилди».

Ҳужжатда таъкидлаб ўтилганидек, 1968 йил январь пленумининг якунлари ўзининг асосий аҳамияти жиҳатидан ЧКП даги етилиб қолган кризисни бартараф қилиш, партия ва жамиятнинг актив фаолиятини кучайтиришга ҳалақит берган ҳамма нарсаларни партиянинг фаолиятидан, хусусан унинг раҳбарлигидан суриб чиқариш зарурлигини ифода этди.

Аммо 1968 йил январидан кейин партиянинг А. Дубчек бошчилигидаги янги раҳбарларининг қарашлари турли-туман бўлганлиги, сиёсий бирликнинг йўқлиги ва умумий занфлик партиянинг янги раҳбарлари етилган вазифаларни бажаришга қодир эмаслигини кўрсатди.

Чехословакия Коммунистик партиясининг раҳбар органлари партияга ва оммавий информация воситаларига амалда раҳбарлик қилмай қўйганлиги сабабли мамлакатдаги сиёсий тараққиёт йўлини партия раҳбарлиги эмас, балки ўнг кучлар кўпроқ белгилай берди.

Шундай қилиб империализмга ўзининг жаҳон миқёсидаги стратегиясига мувофиқ социалистик мамлакатларга нисбатан узоқ вақтдан бери ўйлаб юрган мақсадларини Чехословакия Социалистик Республикасида амалга ошириш имконияти берилди.

Ўнг ревизионист кучлар билан антисоциалистик кучларнинг сиёсий блоки ташкил топди. Шу блокнинг ялпи тазйиқи остида партиянинг, социалистик давлат ва жамиятнинг раҳбарлик структураси аста-секин бузила бошлади. Империалистик кучлар бу блокка ҳар томонлама сиёсий, маънавий ва моддий мадад бериб турди.

Сўнгра ҳужжатда бундай дейилади: ЧКП Марказий Комитетининг 1968 йил апрель пленумида тасдиқланган «Ҳаракат программаси»да «партияда ўнг кучларнинг қўпорувчилик ишлари кучайтирилганлиги акс эттирилди».

«Ҳаракат программаси» шундай бир ҳужжатки, у назарий, сиёсий ва ташкилий соҳаларда программ характерда бўлган ва партия томонидан илгари қабул қилинган шу хилдаги партиявий ҳужжатларга нисбатан орқага қараб қўйилган катта бир қадамдир. Шу сабабли Марказий Комитет «Ҳаракат программаси»ни нотўғри ва хеч қандай кучга эга бўлмаган ҳужжат деб ҳисоблайди. Партиянинг назарий сиёсатида ҳам, амалий сиёсатида ҳам бу ҳужжатга амал қилиш мумкин эмас.

Ҳужжатда қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: реакциянинг ўз кучларини мувофиқлаштириб ошкора қилган ҳужуми «2.000 сўз»нинг эълон қилинишида ўз ифодасини топди. «2.000 сўз» контрреволюцион платформа бўлиб, зўрма-зўраки ҳаракат қилиш ва социалистик системани емириш учун бевосита қўлланма бўлиб хизмат қилди. «Ана шу контрреволюцион манифест Совет Иттифоқига нисбатан душманликни авж олдиришда ҳам ҳамма нарсадан ўзиб кетди ва ҳатто иттифоқчиларимизга қуролли можаро чиқариш билан ошкора таҳдид қилди».

Ҳужжатда яна бундай дейилади: «Қардош партиялар ЧКП вакиллари билан музокаралар олиб бориш учун сабр-тоқат билан ҳаракат қилдилар. Чехословакияда контрреволюцион вазият кучайиб борганлиги ва социализм ишига хавф туғилганлиги натижасида вужудга келган ўзаро муносабатларга доир мураккаб проблемалар ана шу музокараларда ҳал этилиши лозим эди. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Тисса бўйидаги Чиернада олиб борилган музокаралар вақтида партиямиз раҳбарлигини ўзининг коммунистик, интернационал бурчини англашга ва Чехословакия Социалистик Республикасидаги аҳволни ўз кучлари билан яхшилашга даъват этди».

Ҳужжатда таъкидлаб ўтилганидек, «Чехословакия коммунистик партияси 1968 йилда социалистик ижтимоий системани бошқариш маркази бўлишдан аста-секин маҳрум бўла борди». «Партия раҳбарлигида қарорлар қабул қилишни тамомила ўз ихтиёрига олиб қўйган А. Дубчек ва унинг тарафдорлари ЧКП Марказий Комитети президиуми ва бутун Марказий Комитетнинг фаолиятини изидан чиқардилар. Улар имконият мавжуд бўлган даврда ҳам амалий тадбирларнинг рўёбга чиқарилишига ҳалақит бердилар ва ўз ҳаракатлари билан бир позиция кетидан иккинчи позицияни душман ва реакцион кучлар қўлига топширдилар. Бунинг натижасида контрреволюциянинг қабиҳлиги ва агрессивлиги ўсиб, кучая борди, айни вақтда контрреволюцияни ички сиёсий воситалар ва ҳокимият воситалари ёрдамида бостириш имконияти амалда йўқ бўлиб кетмаса ҳам, аста-секин сусая борди».

Ҳужжатда қайд қилиб айтилади-ки, «Социалистик ҳокимиятнинг бузилиши ҳам анча даражага бориб етди».

«Шундай қилиб, Чехословакияда ижроча ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ҳал қилувчи бўғинлари социалистик давлатнинг сиёсий системасида ўзининг синфий вазифасини бора-бора бажармайдиган бўлиб қолди. Ўнг оппортунистик ва антисоциалистик кучлар социалистик давлат сиёсий системасидаги етакчи позицияларни ўз қўлларига ўтказиб олиб, ҳалокатли ривожланишни тўхтатишга ва унинг олдини олишга қаратилган ҳар қандай интилишни дарҳол бостирмоқ учун шу позициялардан фойдаланавердилар».

«Давлат хавфсизлиги, юстиция органлари ва армия фалаж қилиб қўйилди, партия ва давлатнинг раҳбар органлари уларни бошқармай қўйди ва шундай қилиб, улар контрреволюцион маҳфий ташкилотларнинг шиддатли ҳужумига ва ташқи душманларнинг диверсияларига қарши тура олмайдиган бўлиб қолди. Чехословакия халқ армиясининг жанговарлик қобилияти ва маънавий-сиёсий ҳолати анча пасайиб кетди, шундай қилиб, партия ва ҳукумат раҳбарлигининг аниқ кўрсатмалари бўлмай туриб, бизнинг армиямиз айни вақтда бутун жаҳон социалистик системасининг ҳам чегараси бўлган ғарбий чегарамизни муҳофаза қилишни таъминлай олармикин деган савол асосли равишда пайдо бўлди».

Сўнгра ҳужжатда Чехословакия миллий фронти ташкилотларининг — касаба союз, ёшлар ташкилотларининг ва сиёсий партияларнинг 1968 йилдаги аҳволи тавсифлаб берилади.

«1968 йилда бизда кенг антикоммунистик коалиция пайдо бўлганлигини ва сиёсий системанинг янги структураси вужудга келтирилганлигини, бу система ҳақиқатда 1948 йилнинг февралига қадар мавжуд бўлган аҳволни қайта тиклаганлигини ва бу системада ҳатто Мюнхен давригача бўлган буржуа республикасининг яқол элементлари пайдо бўлганлигини жуда кўп фактлар очиқ кўрсатиб турибди».

Социалистик экономикани ўзгартириб, уни ишчилар синфини ва бутун меҳнаткаш халқни барча революцион ғалабаларданги маҳрум қилиб қолмасдан, шу билан бирга асосий сиёсий ва иқтисодий гарантиядан ҳам маҳрум қиладиган системага айлантириш назарияда ва практикада аста-секин тайёрланаверди ва амалга оширилаверди, деб таъкидланади сўнгра ҳужжатда.

Шунингдек ҳужжатда идеология соҳасидаги жиддий проблемалар ва кризис ҳоллари тўғрисида гапирилади. «Идеология соҳасида буржуа идеологиясига хеч қандай ён берилишига асло йўл қўйиб бўлмаслигини, буржуа идеологияси билан хеч қандай келишим мумкин эмаслигини Чехословакия воқеалари яққол кўрсатиб турибди», дейилади ҳужжатда.

«Ўнг кучларнинг ташқи сиёсат концепцияси ЧССРдаги контрреволюцион ривожланишнинг оқибати бўлди, оқибат натижада бу концепция давлатнинг ички стабиллигини ва хавфсизлигини, унинг суверенитетини ва одамларнинг осойишта меҳнат қилишини таъминлайдиган тинч шарт-шароитни таҳдид остига солиб қўйишга олиб келиш билан бирга, яна шунга ҳам олиб келдики, социализм лагерининг ғарбий чегарасини яланғочлаб қўйди, ваҳолонки, бу ғарбий чегара Европадаги социалистик система билан капиталистик система худудида турган Чехословакиянинг мустаҳкам қалъаси бўлиши лозим эди. Бинобарин, бизнинг мамлакатимизда социализмни ҳимоя қилиш ва сақлаб қолиш Чехословакия Коммунистик партиясининг ва меҳнаткаш халқимизнинг бевосита манфаатларигагина тааллуқли иш бўлиб қолмасдан, шу билан бирга социалистик давлатларнинг, шу мамлакатлардаги қардош партияларнинг ва бутун коммунистик ҳаракатнинг муқаррар муштарак иши ҳам бўлиб қолди», дейилади ҳужжатда.

«1968 йилнинг августида Чехословакияда кескинлашган контрреволюцион вазият вужудга келди, мамлакатимиз граждан уруши ёқасига келиб қолди. «Ким — кимни?» масаласи жуда кескин қилинди кун тартибига қўйилди. Ё халқаро реакциянинг мададига таянаётган контрреволюция ўзининг мудҳиш ишини поёнига етказади, ёки социалистик кучлар контрреволюцияни даф қилиб, социализм ишини сақлаб қолишга муваффақ бўлади.

Социалистик тузумимизга таҳдид солаётган ҳалокатли хавфни англаб турган коммунистлар ва нокоммунистлар, дейилади сўнгра ҳужжатда, партия ва давлат раҳбарлигидан контрреволюцион кучларга қатъият билан қарши чиқишни, социализм ғалабаларини ҳимоя қилишни талаб этдилар. Чехословакия Коммунистик партиясининг Марказий Комитетига йўлланган кўпгина хатлар ва резолюцияларда мана шу қатъий талаблар қўйилган бўлса ҳам, аммо улар жавобсиз қолаверди. Прагадаги ва бошқа жойлардаги контрреволюцион кучлар ҳокимиятни босиб олишга интилиб, ошкора ҳужумга ўтган даврда партия раҳбарлигидаги ўнг кучларнинг вакиллари «ҳамма нарса жойида» деб, «тикланиш ва демократлашиш жараёни муваффақиятли ривожланмоқда» деб жамоатчиликни ишонтираверидилар.

«Минглаб коммунистлар, айрим гражданлар ва меҳнаткашларнинг бутун-бутун коллективлари, барча аҳоли табақаларининг ва турли ташкилотларнинг вакиллари, шу жумладан, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ва Словакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзолари ва Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг аъзолари ҳамда миллат мажлисининг ва Словакия Миллий советининг депутатлари Чехословакиядаги социализмнинг тақдири учун ўз зиммаларидаги синфий, миллий ва интернационал масъулиятни англаб, оғир, танг аҳволдан чиқиб олиш йўлини эўр бериб қидиравердилар. Партия раҳбарлигининг ўнг қисми контрреволюцион тўнтаришга йўл қўймайдиган ва граждан урушининг олдини оладиган хеч қандай чораларни кўришни истамаганлиги сабабли улар мана шу тарихий муҳим пайтда социализмни ҳимоя қилиш ишида Чехословакия халқига интернационал ёрдам кўрсатишни сўраб, қардош партияларнинг раҳбар органларига ва иттифоқчиларимизнинг ҳукуматларига мурожаат қила бошладилар. Улар, бизнинг синфдош қардошларимиз қон тўкмоқчи бўлиб таҳдид солиб турган контрреволюцияга Чехословакияни емиш қилиб қўймайдилар ва бизнинг мамлакатимизнинг социалистик ҳамдўстликдан тортиб олинишига имкон бермайдилар, деган қатъий умид билан мана шундай ҳаракат қилдилар».

Чехословакия Коммунистик партияси ва бизнинг бутун жамиятимиз 1968 йилда чуқур кризисга тушиб қолганлигининг сабабларига ва бу сабабларнинг бир-бири билан боғланганлигига берилган объектив баҳо ва изоҳ шуни яққол далиллар билан кўрсатиб турибдики, партия раҳбарлигидаги ўнг кучлар вакилларининг сиёсати фалаж қилиб қўйган ички кучлар ўзларини сафарбар этиб, контрреволюция қилаётган дангал ҳужумни тўхтатиб қолишга қодир бўлмай қолган эдилар. Бундай шароитда контрреволюция қирғин урушни бошлаб юборишини ва шу уруш давомида минг-минглаб кишиларнинг ҳалок бўлишини кутиб туриб, шундан кейингина интернационал ёрдам кўрсатиш керакми ёки ўз вақтида ёрдамга келиб, конли фожианинг олдини олиш керакми, ҳатто мамлакат ичида ҳам, чет элларда ҳам шундай ҳаракат қилинганлиги тушунилмай қолишини рўй-рост билиб турган ҳолда мана шундай интернационал ёрдам бераверишкеракми, деган бир қарорга келиш зарур бўлиб қолди. Иттифоқчи қўшинларнинг 1968 йил 21 августда Чехословакияга кириб келиши мана шундай қон тўкишнинг бошланиб кетишига йўл қўймади ва, бинобарин, шундай қилинганлиги зарур ва бирдан-бир тўғри қарор бўлди.

«1968 йилнинг августига қадар ва ундан ҳам олдинроқ даврда бизнинг партиямиздаги ва бутун мамлакатдаги аҳвол тўғрисида бўлган фактларни ҳар томонлама ўрганиш шуни таъкидлаб турибдики, партиянинг фаолияти фалаж қилиб қўйилган. Чехословакиядаги давлат тузуми эса бузилиш ёқасига келиб қолган шароитда СССР ва бошқа иттифоқчиларимиз томонидан сиртдан бевосита ёрдам берилишини кўзда тутмаган бошқа ҳар қандай қарорнинг муваффақият қозониши учун хеч қандай имконият бўлмас эди, чунки бундай қарор Чехословакия Социалистик Республикасида социализмни қутқариб қолишга олиб келмаган бўлур эди.

Беш социалистик мамлакат иттифоқчи қўшинларининг Чехословакияга киритилганлиги Чехословакия меҳнаткашларининг муштарак манфаатларига ҳам, шунингдек халқаро ишчилар синфининг, социалистик ҳамдўстликнинг манфаатларига ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг синфий манфаатларига ҳам мос бўлиб тушган интернационал бирдамлик иши бўлди. Бу интернационал иш минглаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолди, тинч ва осойишта меҳнат қилмоқ учун ички ва ташқи шароитни таъминлаб берди. социалистик лагернинг ғарбий чегараларини мустаҳкамлади ва империалистик доираларнинг иккинчи жаҳон уруши натижаларини қайта кўриб чиқишга қаратилган умидларини барбод қилди.

Чехословакия Коммунистик партиясининг Марказий Комитети социалистик давлатнинг суверенитети тўғрисида буржуа пропагандасининг оммани алдаш мақсадида тарғиб қилаётган абстракт талқинни рад этади ва шундай позицияда турибдики, бу позиция суверенитет масаласида ҳам социалистик давлатнинг синфий ва интернационал моҳиятига мос позициядир. Шу сабабли, Чехословакия Коммунистик партиясининг Марказий Комитети иттифоқчи қўшинлар Чехословакия Социалистик Республикасига киритилганлигини Чехословакия халқига берилган қардошларча интернационал ёрдам деб ҳисоблайди».

Ҳужжатда шу нарса қайд қилинадики, иттифоқчи қўшинлар кириб келганидан кейин А. Дубчек, О. Черник, И. Смрковский, Ф. Кригель, И. Шпачек, З. Млинарж, Ш. Садовский, Ч. Цисарж, В. Славик партиянинг, Чехословакия халқининг ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг манфаатларига тобора кўпроқ ҳиёнат қилавердилар ҳамда янги авантюристик қадам қўйдилар. Партия раҳбарлигининг марксча-ленинча ядроси принципиал равишда қаршилик қилганлигига ва розилик бермаганлигига қарамай, улар Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг ғайри синфий, антиинтернационал баёнотини 1968 йил 20 августдан 21 августга ўтар кечаси қабул қилдириб олдилар, бу баёнотнинг эълон қилинганлиги ҳалокатли оқибатга олиб келди.

«1968 йилнинг 21 августидан кейин антисоциалистик кучлар Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг ўз моҳияти эътибори билан мислсиз антипартиявий ҳужжат бўлган баёнотини ўзларига қалқон қилиб олдилар. Ўнг кучлар партиянинг минглаб аъзоларига ва раҳбар ходимларига дўқ-пўписалар қилиб, уларни мажбур баёнотга амал қилишга мажбур этавердилар. Улар, коммунистлар ўз партияси Марказий Комитети Президиумининг қарорини интизомли бўлиб бажараверишга лозим, деган гапни рўкач қилавердилар.

Шу баёнот ёрдами билан улар Советларга карши васваса тўғонларини кенг очиб қўйдилар ва сохта ватанпарварлик чақириқлари ҳамда шиорларида намоён бўлаётган шовинизм тўлқинини ҳаракатга келтирдилар. Одамлар батамом йўлдан оздирилди. Контрреволюция оммавий ахборот воситалари ёрдами билан ақл бовар қилмайдиган ваҳимани атайин қўзғатаверди. У барча асосий тушунчалар ва қимматли фикрларнинг ҳаммасини тескари қилиб кўрсатаверди. Нимаики легал ҳолатда бўлса, нолегал ҳолатда деб эълон қилинаверди, айни вақтда контрреволюция нолегал ҳаракатларнинг ҳаммасига легаллик тусини бераверди».

«Ўша вақтда вужудга келган вазиятда ўртоқ Свобода давлат манфаатларини кўзлаб, оқилона ва зийраклик билан иш тутди. 1968 йил 20 августдан 21 августга ўтар кечасиёқ ва ундан кейинги кунларда Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти ва миллий мудофаа министри буйруқлар бериб, бу буйруқларда Чехословакия халқ армиясининг жангчиларига осойишталикни сақлашни, иттифоқчиларнинг қўшинлари билан тўқнашувлар чиқишига йўл қўймасликни амр қилдилар. Бу буйруқлар беками-кўст бажарилиб турди, шу туфайли чексиз оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган воқеаларнинг олди олинди».

Сўнгра ҳужжатда бундай дейилади: «1968 йилнинг 21 августидан кейин контрреволюцион унсурлар Чехословакияда ур-йиқит, бузилиш ҳолатини вужудга келтирдилар, доимий, кескин вазият ва норозилик туғдиравердилар. Ўнг оппортунистлар ҳам партиядаги аҳволнинг нормаллашувига ва унинг қардош партиялар билан муносабатларига ҳар қандай қилиб бўлса ҳам ҳалакит бермоқ учун зўр бериб ҳаракат қилавердилар».

Ҳужжат 22 августда Прага — Виссочани районида ўтказилган нолегаль съездни эслатиб ўтади.

Сўнгра ҳужжатда Чехословакия ва совет раҳбар арбобларининг 1968 йил 23 августда Москвада бошланган тўрт кунлик музокараларининг якунлари хабар қилинади.

Ҳужжатда Словакия Коммунистик партиясининг 1968 йил 26-28 августда бўлиб ўтган фавқулодда съезди ва Чехословакиядаги аҳвол қандай ривожланиб борганлиги тавсифланади.

Ҳужжатда уқтириб айтиладики, Чехословакия Социалистик Республикасида совет қўшинларининг вақтинча туриши тўғрисидаги шартномани миллат мажлиси 1968 йил 18 октябрда маъқуллаганлиги контрреволюцион унсурларнинг умидларига берилган катта зарба бўлди». «Шу шартнома қабул қилинганлиги муҳим сиёсий ва психологик омил бўлди, барча чин коммунистларга ва социализмнинг соф виждонли мухлисларига ишонч бахш этди, уларни барча социалистик муассасаларни тозалаш ва мустаҳкамлаш учун курашни давом эттиришга руҳлантириб, бу ишда уларга мададкор бўлди».

Ҳужжат «Справи» газетаси ўйнаган муҳим ролни уқтириб ўтади ва Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1968 йил ноябрдаги пленуми чиқарган хулосалар. «Ўнг унсурларнинг фаолият майдонини анча торайтиргганлигини» кўрсатиб ўтади.

«Ўнг кучларнинг партия раҳбарлигидаги вакилларни таъсири ва фаолияти йўлига тов солишга ўртоқ Г. Гусак жуда актив ёрдам берди», дейилади сўнгра ҳужжатда. «Г. Гусак контрреволюцияга нисбатан ўзининг ғайрат ва даддиллик билан қилган ҳаракатлари ва КПСС билан ҳамда бошқа қардош партиялар билан ўртоқларча ҳамкорликни ва ғоявий бирликни қайта тиклашга тааллуқли барча масалаларни ҳал этишда изчил интернационалистик позицияда турганлиги туфайли партиянинг ва социалистик давлатимиздаги барча соф виждонли гражданларнинг соғлом ядроси онгида мустаҳкам жой олди. Шу муносабат билан Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг делегацияси билан КПСС раҳбарлари ўртасида Москвада (1968 йил октябрь) ва Киевда (1968 йил декабрь) олиб борилган музокараларда ўртоқ Г. Гусакнинг ижобий роли айниқса яқол намоён бўлди. Шу музокараларда у республика президенти ўртоқ Л. Свобода билан бирга ўзаро ишончнинг қайта тиклашига ва мустаҳкамланишига анча ёрдам берди».

«Партиядаги марксчи-ленинчи кучларнинг муайян мақсадга қаратилган куч-ғайрати шундай шарт-шароит вужудга келтирдики, бунинг оқибатида Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1969 йил апрелидаги пленумида партия раҳбарлигида ва сиёсатида тубли ўзгаришлар амалга оширилди, шу пленум натижаларини Чехословакия коммунистларининг кўпчилиги мамнуният билан ва розилик бўлиб қабул қилди. А. Дубчек олий партиявий лавозимдан чақириб олинганлиги ва Г. Гусак Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимига сайланганлиги янги босқич очиб берди, партиядаги кучларнинг нисбатидаги ўзгаришлар жараёни бу босқичда сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди».

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1969 йилдаги май пленуми якин даврга мўлжалланган вазифалар программасини белгилаб берган директивани мухокама этди ва қабул қилди. Ҳужжатда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1970 йил январь пленуми партия билетларини алмаштириш тўғрисида қабул қилган қарори жуда катта аҳамиятга эга эканлиги уқтириб ўтилади. Ҳужжатда айтиладики, Чехословакия Коммунистик партия ва сиёсий давр синовларига бардош беролмаган ўзининг 20 процентдан кўпроқ собиқ аъзоларидан халос бўлди. «Текшириш натижасида бутун партия ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди ва ғоявий жиҳатдан жиплашди, социалистик жамиятнинг авангарди сифатида партиянинг ўз тарихий миссиясини бажариш учун шарт-шароит вужудга келди».

Ҳужжатда айтиладики Чехословакия Коммунистик партияси ва Чехословакия давлатининг ички ҳаётини мукимлаштириш давом этмоқда. Чехословакия Социалистик Республикасининг халқаро сиёсий аҳволи мустаҳкамланмоқда. Чехословакия Коммунистик партиясининг коммунистик ҳаракатдаги обрўйи тикланиб бормоқда.

Ҳужжатнинг якунловчи қисмида бундай дейилади: «Катта синовлардан, кураш ва қаттиқ жанглардан чиқариб олинган сабоқлар партиямиз, ҳар бир коммунист, мамлакатимизнинг социализмга садоқатли ҳар бир соф виждонли граждани зиммасига социализмни сақлаш ва ривожлантириш, ҳар қандай ғўзал сўзлар ва шиорлар билан ниқобланиб, социализмга нисбатан ҳар қандай томондан бўладиган таҳдиднинг бундан буён ҳам пайдо бўлишига хеч қачон йўл қўймаслик мажбуриятини юклайди. Бу— бизнинг революцион миллий, синфий ва интернационал бурчимиздир».

Бунга марксизм-ленинизм принципларида қаттиқ турган, душман билан синфий курашда тобланган, ҳар қандай оппортунизм ва ревизионизм таъсирларидан тозаланган, ўзининг равшан ва реал сиёсати билан меҳнат аҳлининг олижаноб орзулари ва мақсадларини ифодалаётган Коммунистик партиянга гарантия бўла олади».

«Биз жаҳон социалистик ҳамдўстлигининг мустаҳкам таркибий қисмимиз, деб таъкидланадиҳужжатда. — Бизнинг ўтмишдаги ютуқларимиз ва олга бораётган йўлимиз социалистик революциянинг биринчи мамлакати бўлган Совет Иттифоқи билан чамбарчас боғланган. Мамлакатимизда социализмнинг ривожланиши олдимизга қўйган ва қўяётган мураккаб ва катта вазифаларни Совет Иттифоқининг ёрдамисиз ҳал қила олмас эдик. Ўтмишнинг аччиқ тажрибаси бизга шуни ўргатдики, бундан буён биз халқларимиз прогрессив кучларининг муқаддас кўрсатмаларини ва миллий, социал ва давлат стабиллигимизнинг гарантияси бўлган Совет Иттифоқи билан иттифоқни кўз қорачиғидек сақлажакмиз».

ИҒВОГАРЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН!

Заводимиз ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари «Яҳудийларни ҳимоя қилиш ташкилоти» деб аталган ташкилотнинг безорилик билан иғвогарлик мақсадида қилаётган ҳаракатини дарғазаб бўлиб қоралайди. Яқин Шарқда ўзининг иғвогарлик режаларини амалга оширишга қурби етмай қолган сионист «арбоблар» АҚШдаги совет муассасаларига қарши учига чиққан бандитларча ҳаракат қилишгача бориб етдилар.

Биз бундай иғвогарликларга қарши кескин норозилик билдириб, бу иғвогарлик тўхтатилишини талаб этамиз. Ниҳоят Америка маъмурлари сионистлар бебошлигининг пайини қирқиши керак.

Л. Логвинский—куч трансформаторлари заводининг слесари, **Р. Файнштейн** — рандаловчи, шаҳар Советининг депутати, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, **Л. Гельберг** — слесарь инструменталчи, **Т. Малкова** — инженер технолог, область Советининг депутати, **М. Кауфман** — завод директори, шаҳар Советининг депутати.

Биробижан шаҳри.

◆ ◆ ◆

Сионистлар қилаётган ур-йиқит, кўпорувчилик, иғвогарлик, — булар янгилик эмас. Бундай усуллар фашист газандаларининг севган усулларидир.

Совет муассасаларига, айрим гражданларимизга қарши қабиҳ иғвогарликларга чек қўйилиши керак. Мамлакатимиз меҳнаткашларининг Никсон ҳукуматидан қатъий талаби шундай.

Бизга тинчлик азиздир, халқлар ўртасида, шу жумладан Америка халқи билан дўстлик идеаллари азиздир. Сионистлар эса, Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатларга путур етказиш учун уринмоқдалар.

В. ЕРМИЛОВ,
«Красний Пролетарий» заводининг слесари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
Москва шаҳри.

◆ ◆ ◆

Мен Улуғ Ватан урушининг ветераниман. Бир миллат кишиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини сурбетлик билан даъво қилаётган ташкилот борлигини эшитиб, нафратланмоқдаман. Мен «Яҳудийларни ҳимоя қилиш ташкилоти» тўғрисида гапирмоқдаман. Бу ҳеч нарса билан ниқобланмаган учига чиққан миллатчилик кўринишидир. Ана шундай жирканч «ғоялар» Германияни фашизмга олиб келди. Чинакам интернационалист бўлган совет кишиларигина бутун дунёни бўғиб ташлаш билан дағдаға қилган фашизмни ер билан яксон қилиб ташлай олди.

Сионизм ҳамиша миллатчилик ҳаракатининг ниқобланмаган ифодаси бўлиб келган. Эндиликда бу ташкилот империализмнинг бевосита қуролига айланмоқда. «Яҳудийларни ҳимоя қилиш ташкилоти»нинг эндиликдаги хуружлари буни яққол тасдиқлаб турибди. Биз Советларга қарши иғвогарликлар тўхтатилишини талаб қиламиз.

М. ШАХНОВИЧ,
Совет Иттифоқи Қаҳрамони.
Боку.

◆ ◆ ◆

Бизнинг корхонамиз коллективида 39 миллатнинг вакиллари аҳил яшаб меҳнат қилмоқдалар. Мана шу коллектив АҚШдаги сионистларнинг Советларга қарши хуружларидан қаттиқ дарғазаб бўлди. Америка маъмурлари безориларнинг террорчилик ҳаракатлари пайини қирқиш у ёқда турсин, уларга хомийлик қилмоқдалар. Вашингтондаги элчихонамизнинг баёнотида бу тўғрида ишонарли қилиб айтилган. Биз Америка маъмурларидан совет муассасалари ва ана шу муассаса ходимларининг нормал фаолияти ва хавфсизлиги таъминланишини, террорчилар қаттиқ жазоланишини талаб этамиз.

Б. ИСКАНДАРОВА,
Душанба тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси. СССР Олий Совети депутати.
Душанба шаҳри.

◆ ◆ ◆

«Яҳудийларни ҳимоя қилиш» деб аталган ташкилот шоввозларининг кўзда тутган мақсадлари — Исроил экстремистлари ўзлари босиб олган араб ерларида қилаётган жирканч ишларидан жаҳоннинг тараққийпарвар жамоатчилиги диққат-эътиборини четга тортмоқчи эканлиги мутлақо равшан.

Биз миллион-миллион совет кишилари билан биргаликда шуни айтамизки, сионистлар қилган жиноятлар учун жавобгарликни АҚШ ҳукумати зиммасига юклаймиз ва улардан совет гражданларига қарши бандитлик ҳаракатларининг пайини дарҳол қирқишни, ур-йиқит айбдорларининг қаттиқ қонун асосида жазоланишини талаб этамиз.

Н. Пучковская — В. П. Филатов номли кўз касалликлари ва тўқималар терапияси илмий тадқиқот институтининг директори, СССР Медицина Фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Социалистик меҳнат Қаҳрамони, **М. Раковский**, тарих фанлари доктори, И. И. Мечников номли Одесса давлат университетининг профессори. (ТАСС).

Одесса шаҳри.

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР — чет элларда

КАМБОДЖАДАГИ ЖАНГЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 14 январь. (ТАСС). Сайгон қўғирчоқлари ва Пномпень маъмурларининг қўшинлари кеча Камбоджа пойтахтини мамлакатнинг бирдан-бир катта порти Компонгсом билан боғловчи тош йўлда қатновни тиклашга уриниб, кенг кўламда операция бошлади. ЮПИ агентлигининг хабар беришича, бу операцияда мингдан ортиқ солдат қатнашмоқда. Танклар, артиллерия, денгиз пиёда аскарлари ва чакалакзорларда уруш қилиш учун махсус тайёрланган отрядлар уларга мадад бериб турибди.

Ватанпарварлар стратегия жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга бўлган ана шу тош йўлни икки ой илгари тўсиб қўйган эдилар. Бунинг натижасида Пномпенга ёнилғи келтириш деярли тўхтаб қолган эди. Бу ҳол пойтахтни электр энергияси, бензин ва сув билан таъминлашда катта қийинчилик туғдирди. Пномпень маъмурларининг ҳаётий муҳим бўлган ана шу йўлда қатновни тиклаш мақсадида қилган ҳаракатлари муваффақиятсизликка учради.

Пномпенни Сайгон билан боғловчи бошқа тош йўлда ҳам жанглар давом этмоқда. Сайгондан қурол-яроғ ва ўқдорилар шу йўлдан келтирилар эди. Камбоджа пойтахтига ғарбий районлардан олинадиган шоли келтириладиган йўлда ҳам қатнов тўхтаб қолди.

Куба хотин-қизлари мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги раҳбар лавозимларга сайланган. Хотин-қизлар маориф системасининг ривожига, болалар яслиси ва боғчаларини кенгайтиришга катта ҳисса қўшяптилар. Суратда: меҳнатдан сўнг концерт кўриб ҳордиқ чиқараётган кубалик хотин-қизлар.

А. СТУЖИН фотоси. (ТАСС).

ЛЕНИН ТЎҒРИСИДА КИТОБ

СОФИЯ, 14 январь. (ТАСС). Болгария Коммунистик партиясининг нашриёти «Владимир Ильич Ленин ва Болгария Коммунистик партияси» деган китобни нашр этди.

Ана шу ҳужжат ва мақолалар тўпламида Лениннинг Болгарияга тааллуқли мақолалари, унинг болгар революционерларига ёзган хатлари, Владимир Ильич билан учрашган болгар коммунистларининг хотиралари, шунингдек жаҳон пролетариати йўлбошчиси тўғрисидаги мақолалар ҳамда мулоҳазалар босилган.

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти тайёрлаган ҳужжатларнинг кўп қисми биринчи марта эълон қилинди.

МИЛЛИОНЕР ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

САНТЬЯГО, 14 январь. (ТАСС). Яқинда давлат назоратига ўтган Эдвардс банки раҳбарларидан бири Чили миллионери Хорхе Росс Осса қонунга хилоф равишда қурол-яроғ ва ўқ-дори сақлашда айбланиб қамоққа олинди. Тинтиб кўрилган пайтда 5 мингга яқин ўқ ва ҳар хил қуроллар, шу жумладан пулемётлар ҳам топилди. Чилида чиқадиган «Кларин» газетасининг ёзишича, Хорхе Росс халқ бирлиги ҳукуматига қарши қўпорувчилик ишлари олиб борган ўта ўнглларнинг «Озод Чили» ташкилоти билан маҳкам боғланган.

МХР. Улан-Батордаги кўргазма залларидан бирида пойтахт аҳолиси монгол археологларининг ноёб топилмаси билан танишдилар. Суратда: Архангай аймоғининг «Долон мод» деган ердан топилган тош ҳайкал. Олимлар уни VIII асрга оид бўлса керак, деб тахмин қилишяпти.

МОНЦОМЭ—ТАСС фотоси.

*

БОЛИВИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЛА-ПАС, 14 январь. (ТАСС). Боливия президенти Хуан Хосе Торрес халқ ассамблеясини чақириш ва халқ оммасини давлатни идора қилишга жалб этиш ниятида эканлигини айтди.

Президент пойтахтга келган бир неча минг ишчи ва деҳқонлар ҳузурида сўзлаган нутқида бундай деди: ҳукумат ассамблеянинг тузилиши ва вазифаларини белгилаш учун аҳоли турли табақаларининг вакиллари билан музокара олиб боришга киришади.

«Биз,— деди Торрес,— халқнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган янги тадбирларни масъулиятни сезганимиз ҳолда зўр эътибор билан тайёрламоқдамиз. Биз мамлакатимизда очлик ва қашшоқликка барҳам берамиз».

СИЁСИЙ МАҲБУСЛАР ОЗОД ҚИЛИНДИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО, 14 январь. (ТАСС). Утган йил 7 декабрда ўғирланган Швейцария элчиси Энрико Бухер эвазига Бразилия турмаларидан озод қилинган 70 сиёсий маҳбус махсус самолётда Чилига учиб кетди. Полициянинг 35 агенти уларни кузатиб бормоқда.

Швейцария элчисини ўғирлаган кишиларнинг айтишича, чет эл информация агентликлари 70 сиёсий маҳбуснинг Чили пойтахти Сантьягога келганлиги тўғрисида хабар беришлари биланоқ элчи озод қилинади.

БОЛИВИЯДАГИ АҲВОЛ

НЬЮ-ЙОРК. 13 январь. (ТАСС). Реакциячи кучларнинг давлат тўнтариши қилмоқчи бўлиб уриниши муваффақиятсизликка учраганидан сўнг Хуан Хосе Торрес ҳукумати ўз позицияларини мустаҳкамлаб олди. Боливиянинг сиёсий доиралари шундай фикрда турибди.

ЮПИ агентлигининг мухбири эътироф этадики, ҳукуматга қарши чиққан ўнг унсурлар амалда мамлакатнинг қуролли кучлари сафидан тамомила четлаштирилган, 17 офицер шу жумладан, исёнчиларнинг иккала бошлиғи ҳарбий унвонлардан маҳрум қилинган.

Ахборотда айтиладики, Хуан Хосе Торреснинг ҳозирги ҳукумати чет эл корхоналарини давлат ихтиёрига ўтказиш йўлидаги сиёсатини давом эттиришга аҳду паймон қилган.

АГРЕССОР АГРЕССОРГА ЁРДАМ БЕРМОҚДА

ВАШИНГТОН, 14 январь. (ТАСС). АҚШ Давлат департаментининг вакили Жон Кинг матбуот конференциясида Қўшма Штатлар ўзининг Сайгон қўғирчоқлари Камбоджада қилаётган агрессияга ёрдам бераётганлигини тан олди. «Жанубий Вьетнам қўшинлари, — деди у, — кейинги олти ой мобайнида Камбоджада ўз операцияларини ўтказиб келмоқдалар ва биз уларга қурол-яроғ ҳамда бошқа жиҳатлардан ёрдам бермоқдамиз». Кинг Қўшма Штатларнинг ана шу қўшинларда ўз маслахатчилари йўқ, деб даъво қилди. Аммо бу гаплар Америка матбуотининг хабарларига тамомила зиддир. Америка матбуоти Сайгон қўшинларининг Камбоджадаги агрессив ҳаракатларини АҚШ «маслахатчилари» тайёрлаганлигини ва бу ҳаракатларга йўл-йўрик кўрсатиб бераётганлигини таъкидлади.

Утган ҳафтада қўғирчоқ Сайгон армиясининг яна икки минг солдати Камбоджага бостириб кирганлиги тўғрисида хабар берилган эди. Бу мамлакатда ана шу солдатлар сони 10.5 минг кишига етди. «Вашингтон пост» газетаси ҳозирги вақтда «Жанубий Вьетнам қўшинлари Камбоджада янги ҳужумга тайёрланмоқдалар», деб ёзади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8. 25—Халқ талантлари концерти, 9.30—Таниш куйлар, 10.10—«Дугоналар» радиожурнали, 11.15 — «Ўзбекистон қўшиқларда» (музикали эшиттириш), 12.15—Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт, 13.30—Таниқли ижрочилар концерти, 15.10 — «Правда» газетасининг обзори, 15.20—Маданият радиоуниверситети, 16.10—Эстрада концерти, 17.20—Уйғур куйлари, 17.50—«Идеология ва ҳаёт», 18.00 Чўлқуварлар учун концерт, 18.40 —Спорт эшиттириши, 19.20—Область театрлари артистларининг концерти. 20.00 —Халқ жасорати йилномаси. Қарши кундалиги (русча), 20.30—СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 21.00 —«Қардош социалистик мамлакатларда», 21.10—Лирик концерт, 22.30—«Холисхон» музикали драмасининг монтажи.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — **Тошкент.** Ўзбек тилида: 10.00 — Қўшиқ ва рақслар, 10.40 — **«Момо ер»** (бадиий фильм), 12.00 — **Москва.** Гимнастика, 12.30 — Янгиликлар, 12.45 — Концерт, 13.30 — Серташвили оила, 14.00 — Киноҳаваскорлар учун кўрсатув. 16.55 — **Тошкент.** 17.00 — **«АХБОРОТ», Узбек тилида:** 17.10 — Қўғирчоқ фильм. 17.25 — Болалар учун эшиттириш, 17.55 — КПСС XXIV съезди шарафига, 18.10 — Концерт, 18.55 — «АХБОРОТ», 19.10 — «Студентлик — олтин даврим», 20.15 — Москва, 20.20 — Маданият факультети, 21.00 — Янгиликлар, 21.05 — Фильм концерт, 22.30 — Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати, 24.00 — Бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — **Тошкент.** Ўқув кўрсатувлари, 15.00 — **Москва.** 16.15 — «Коммунист ва давр», 16.45 — «Қишки давра», 17.30 — «ЗДОРОВЬЕ», 18.00 — **«Маугли»** (мультфильм), 20.15 — **Тошкент.** Тележурнал, 20.55 — Халқ ҳофизлари концерти, 21.45 — **«Иван Бровкин қўриқда»** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Душанба.** Экран — болаларга, 18.30 — «Хайвонот боғига саёҳат», 18.45 — Янгиликлар, 19.00 — Давр ва изланиш, 19.15 — Ҳужжатли фильм, 20.00 — «Гўрўғли» эпосидан парчалар, 20.45 — Янгиликлар, 21.00 — Оқшом эртаклари, 21.10 — Концерт, 22.00 — **Москва.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—16/1 да **Аида,** 17/1 да **Оққуш кўли** (кундузи), **Севилия сартароши** (кечқурун), 18/1 да **Флория Тоска.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—16/1 да **Улимдан кучли,** 17/1 да **Шоҳ Эдип.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА—16/1 да **Бахт тўйи,** 17/1 да **Менинг жаннатим,** 18/1 да **Ёшликда берган кўнгил.**

КИНО

Сўнгги ёдгорлик — САНЪАТ САРОЙИ «СПУТНИК», «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Сен менинг жонимсан—НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз ва кечқурун).

Филателистнинг ўлими — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

У ёлғиз эмасди — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4да), «МОСКВА» (кундуз соат 12, 4, кеч 7 ярим ва 9 да), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Нон, севги ва фантазия — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Эрамиздан миллион йил илгари (эрталаб соат 11, кундуз 1, кеч 6да), **Гул ва тош** (ўзбек тилида, кундуз соат 3, кеч 8.20 минутда)— «КЎКЧА».

Оқ флюгер—«МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва 5 яримда).

Резидентнинг тақдири —«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 9да).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

ҚИШКИ СПОРТ ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР УЧУН!

16 ЯНВАРДАН БОШЛАБ

ОММАВИЙ РАВИШДА КОНЬКИДА ЯХМАЛАК ОТИШ БОШЛАНАДИ

Конькида яхмалак отиш малакали тренерлар ОЛЬГА ШИН ва ГЕННАДИЙ КНЯЗЕВлар раҳбарлигида ўтказилади.

Музика жўр бўлади.

Ҳар куни эрталаб соат 11, кундуз 2, 5 ва кеч 8да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Касса эрталаб соат 9дан очиқ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

18 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.25 — **Тошкент,** 18.30 — «Пионервожатийлар клуби», **Рус тилида:** 19.00 — «АХБОРОТ», 19.15 — «Советский воин». **Узбек тилида:** 20.00 — «АХБОРОТ», 20.15 — Концерт, 20.55 — Оламда нима гап? 21.25 — Телефильм, 22.10 — Янгиликлар, 22.20 — **Телетеатр:** Қ. Убайдуллаева. «Муҳаббатнинг қадри», 23.30 — **Москва.**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — **Тошкент.** Ўқув кўрсатувлари, 19.55 — Москва. 20.05 — «Пионерия», 20.30 — Тележурнал, 21.00 — Янгиликлар. 21.05 — Болалар учун концерт, 22.00 — **«Шикоят дафтарингизни беринг»** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.**

19 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — **Тошкент.** Ўқув кўрсатувлари. 13.00 — **Москва.** 13.05 —Янгиликлар, 13.15— Ёш скрипкачилар, 13.45 — «Коллектив хўжалик эгалари», 14.15 — ЦДРИда учрашувлар, 14.40 — Янгиликлар, 18.25 — **Тошкент.** 18.30 — «АХБОРОТ», 18.45 — Ишчи — фахрли ном. **Узбек тилида:** 19.05 — Концерт, 20.00 — Шеърият муҳлисларига 20.15 — «АХБОРОТ», 20.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари университети, 21.05 — Совет республикалари фестивали. **Узбекистон ССР**, 22.30 — Концерт, 23.15 — **Москва**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Тошкент.** Ўқув кўрсатувлари, 20.00 — **Москва.** 20.30— Миллионлар ленинча университети, 21.00 — Янгиликлар, 21.05 — **Тошкент. «Тенгқурлар»** (бадиий фильм), 22.30 — **Москва**, Бадиий фильмлар.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — **Тошкент.** Телефильм, 21.00 — Музика асбоблари: ТОР, 21.40 — **«Жаноб олийларининг адьютанти»** (бадиий фильмнинг 1-серияси).

20 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30—Болалар учун концерт, 19.00—«АХБОРОТ», 19.10—Спорт эшиттириш. **Узбек тилида:** 19.50 —«АХБОРОТ», 20.05—«Илғор коллективларнинг социалистик мажбуриятлари», 20.35 — Концерт, 21.20—Янгиликлар, 21.35—**«Олтинчи июль»** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55—**Тошкент**, 18.00—Ўсмирлар учун эшиттириш, 18.35— Бадиий фильм, 20.00—**Москва** 21.00 Янгиликлар, 21.05—**«Ёмғир»** (бадиий фильм), 22.00—**Хоккей:** СКА (Ленинград) —«ДИНАМО» (Москва).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — **Тошкент.** Телефильм, 21.00 — Фильм-концерт, 21.25 — **«Жаноб олийларининг адютанти»** (бадиий фильмнинг 2-серияси).

21 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.25—**Тошкент**, Рус тилида: 18.30—Мультфильм, 18.50—«Ахборот», 19.05—Ўзбек шоирларининг янги таржималари, 19.25—Фильм-концерт, **Узбек тилида:** 19.40 —«Ахборот», 19.55—Илғор коллективларнинг социалистик мажбуриятлари, 20.10—**«Кремль курантлари»** (бадиий фильм). 21.35—Илмий коммунизм мактаби, 21.50—Янгиликлар, 22.00—Телефестиваль: БУХОРО ОБЛАСТИ, 23.30—**Москва.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30—**Тошкент.** Ўқув кўрсатувлари, 13.00—**Москва.** 13.05—Янгиликлар, 13.15—Болалар учун концерт, 13.40—«Сенга, комсомол», 14.05—**«Болтиқ депутати»** (бадиий фильм), 15.45—Янгиликлар, 18.00—**Душанба,** 20.00—**Москва,** 20.05—Янгиликлар, 20.15— — «Қадрдон қўшиқлар», 21.00 — Янгиликлар, 21.05—«Олтин шайба» клуби мукофоти учун, 21.30 —Миллионлар ленинча университети, 22.00—**«Ленин ҳақида ҳикоялар»** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00—**Тошкент.** Телефильм, 21.05—Фильм-концерт, 21.50—**«Жаноб олийларининг адютанти»** (бадиий фильмнинг 3-серияси).

22 ЯНВАРЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30—**Тошкент.** «Ахборот», 18.40—Телефильм, 19.15—Музикали кўрсатув, **Узбек тилида:** 20.00—«Ахборот», 20.15—Пропагандист», 20.50—Концерт, 22.05 —«Бўстон».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00—**Москва**, 13.05—Янгиликлар, 13.15—«Порла, юлдузча» 13.55—Бадиий фильм, 15.30—Янгиликлар, 18.00—**Тошкент.** Ўқув кўрсатувлари, 20.00 — **Москва.** 20.05—Янгиликлар, 20.15—«Сенга ёшлик», 21.00 — Янгиликлар, 21.05—Совет республикалари фестивали: **Озарбайжон ССР,** 22.30—Италия Компартиясининг 50 йиллигига, 22.30—**«Аппасионата»** (телефильм), 24.00—«Вақт».

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00—**Тошкент.** Телефильм, 20.05 — «Тўлқинида—02», 20.25 — Цирк томошалари, 21.10—Кинофильм, 21.30—Инсон ва қонун, 22.00—**«Жаноби олийларининг адютанти»** (бадиий фильмнинг 4-серияси).

23 ЯНВАРЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55—**Тошкент. Узбек тилида:** 10.00—Концерт, 10.35—**«Доктор Вера»** (бадиий фильм), 12.00—**Москва.** Гимнастика, 12.30—Янгиликлар, 12.45—«Сенга, ёшлик», 13.15—**«Здоровье»,** 13.45 — Концерт 16.55—**Тошкент**, 17.00—Мультфильм, 17.25—«Ахборот», **Узбек тилида:** 17.40—«Ёш куч», 18.20—Мультфильм, 18.40—Ота-оналар университети, 19.20—«Ахборот», 19.35 —«Интернационал дўстлик клуби», 20.25—**Москва.** Телеальманах, 21.00—Янгиликлар, 21.05—«Ҳайвонотлар оламида», 22.30 — Халқаро панорама.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30—**Тошкент.** Ўқув кўрсатувлари, 15.00—**Москва.** Мультфильмлар, 15.30—Концерт, 16.30 —Фан ва техника факультети, 17.10—Янгиликлар, 17.15—Маданият факультети, 18.00—**Хоккей:** «СПАРТАК» —ЦСКА, 20.25 —**Тошкент**, «ЧАШМА», 21.05—Мақом кечаси, 22.05—**«Бир қизни учратдим»** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00—**Душанба кўрсатувлари,**

24 ЯНВАРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55—**Тошкент. Рус тилида:** 10.00—Мультфильм, 10.20—«Ўйлаб топ», 10.50—Киноальманах, 11.35 —«Орзу», 12.15—«Буни ҳар ким билиши керак», 12.35—Цирк томошалари , 13.25 — «ЗАМАНДАС». **Рус тилида:** 18.00—Мультфильм, 18.20—«Ахборот». **Узбек тилида:** 18.40—**«Наштар»,** 18.50—Эстрада концерти, 19.50—«Халқ жасорати йилномаси», 20.00 — **«Барҳаёт ўликлар»** (бадиий фильм), 21.50 —«Ахборот», 22.10 — Музикали кўрсатув.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.00—**Тошкент.** Ўқув кўрсатувлари 12.00—**Москва.** 12.05— —Гимнастика, 12.15—Янгиликлар, 12.30—Ўқувчилар учун эшиттириш, 13.00—Мамлакатимиз съезд олди арафасида (репортаж) 13.30—**Магадан** кўрсатади, 14.30 —Ўқувчилар учун эшиттириш, 15.30—Акробатика бўйича халқаро учрашув СССР—ПОЛЬША, 16.30 —«Инқилоб романтикаси», 17.00 Музикали киоска, 17.30—Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун эшиттириш, 18.00 — Саҳна усталари: РСФСР халқ артисткаси **И. П. Яунзем,** 19.00—Халқаро панорама, 19.30—Қишлоқ меҳнаткашлари—КПСС XXIV съездига, 20.00—Концерт, 20.30—«Коммунист ва давр», 21.00—Янгиликлар, 21.05—**«Киносаёҳатчилар клуби»,** 22.20—**«Чапаев»** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00—**ФРУНЗЕ КУРСАТУВЛАРИ.**

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 28. Редактор — 336543. Редактор ўринбосарлари — 337914. 339 323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283 Партия турмуши — 333469, 337221 Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604 Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679 333553 Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251 330252, 330253, 330254, 330255, 330256 330257, 330258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 23—27. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44 ГУЛИСТОН — 22—09.

№ А. — 13. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 02146.